

ЖАҲОН ИЧРА БУЮК ЮРТНИ УЛУФ ДОСТОН ЭТАЙЛИК БИЗ, ЗАМОН КЕЛДИ ВАТАН БАҒРИН ГЎЗАЛ БЎСТОН ЭТАЙЛИК БИЗ



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2001 йил 29 август, чоршанба № 135-136 (1150)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**Бугун пойтахтимиз
Тошкентда
иккинчи чақирик
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлисининг
олтинчи сессияси
ўз ишини бошлайди.**

ТОШКЕНТНИНГ ЕР ОСТИ КОШОНАЛАРИ ОЛТИТАГА КЎПАЙДИ

Ўзбекистон номи тилга олинганда, факат дехқончилик ҳаёлга келадиган даврлар аллақачон ортда қолди. Ҳадемай энг улуг, энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг ўн йиллигини кенг нишонлаймиз. Шундай кутлуғ сана арафасида ишга тушаётган янги-янги иншоотлар сирасига яна биттаси қўшилди. Метросозларимиз пойтахт ерости транспортини инфратузилмасини сезиларли даражада кенгайтирди. Метрополитеннинг учинчи қисми - «Ойбек» бекатидан хушхаво Юнусобод мавзе томон янги йўналиш очилди.



Метро шахар жамоат транспорти ичида энг қулайи ҳисобланади. Йирик шаҳарларда йўловчиларнинг узоғини енгил қиладиган барча транспорт тури ҳам метро поездаларидек қатъий тартиб билан қатнаши қийин. У иссиқда ҳам, сўвуқда ҳам, қору ёмғирли кунларда ҳам беминнат хизмат қилади. Энг муҳими, йўлида ҳеч қачон тизгилик юзага келмайди.

Дуллаев» бекатларидир. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос ва мос равишда сайқал берилган. Айти пайтда «Минор»да янги йўналишнинг муҳандислик корпуси жойлашган. Бу ерда компьютерлар ёрдамида поездаларнинг ҳаракати, электр таъминоти, шабадалаштириш ишлари бошқарилади.

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов метрополитеннинг янги қисми - Юнусобод йўналишининг биринчи навбатидан бажарилган ишларни бориб кўрди.

Метросозларимизнинг бу каби фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб қадрланмоқда. Кун кеча Президентимизнинг Фармони билан соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Айти вақтга қадар мазкур йўналишнинг 7,61 километр масофага чўзилган ҳудудида катта қўламдаги қурилиш ишлари бажарилиб, олти бекат фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Булар «Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Аб-

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишнинг энг мухташам ерости қарларидан бири - «Мингўрик» бекати орқали метрога тушди.

Президентимиз зах-

маткаш метросозларнинг порлоқ меҳнати самарасини кўздан кечирар экан, бекатларни қуриш ва безаш ишларида асосан маҳаллий ашёлардан фойдаланилганга эътибор қаратди.

Бекатларга меъморликнинг Шарқона услубларида зеб бериш учун ерости устунлари, девор ва юриш йўлақларида мрамар тошларнинг «Зарбон», «Газгон», «Габро» каби ўндан ортиқ тури ишлатилган.

Бу йўналишнинг шундаки, бекатлар метронинг ҳар уч йўлини бирига бевосита туташтиради. «Мингўрик» бекати метropolитеннинг иккинчи йўналиши - «Ўзбекистон» йўлининг «Ойбек» бекатига ўтиши таъминласа, «Юнус Ражабий» бекатидаги 140 метрли ўтиш йўли тўғри «Чилонзор» йўлининг «Амир Темур» бе-

кати платформасига олиб чиқади. Президент Ислам Каримов Бош вазир ўринбосари А.Исаев, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа мутасаддилар ҳамроҳлигида янги поездга ўтириб, «Ҳабиб Абдуллаев» бекатига борди ва шу ерда журналистларга интервью берди.

Ўзбекистонда метро қурилиши бошланганида, - деди давлатимиз раҳбари, - эшитганлар ҳайратга тушган эди. Сейсмик жиҳатдан ўта мураккаб бўлган шаҳарда ерости транспорт катновини йўлга қўйиш, улар назарида, ақл бовар қилмайдиган иш эди. Лекин олимларимиз барча мавжуд омилларни ҳисоб-китоб қилиб, лойиҳалаштирди ва метронинг фойдалигини исботлади. Тошкент метрополитени қурилишида, айникса,

Шароф ака Рашидовнинг ҳиссаси бекиёс бўлган. У Москвадаги амалдорларни шу ишга розилик беришга кўндирди олган. Янги станцияларни кўздан кечирар эканман, аввало, бу ишларни бошлаб берган ана шу инсоннинг захматини гайрати ёдимга тушди.

Истиқлолимизнинг илк даврида олдимизда жуда кўп мураккаб масалалар кўндаланг турарди. Мамлакатни, деярли, бутунлай қайтадан қуриш, ҳар томонлама тиклаш лозим эди. Шундай оғир шароитда ҳам биз бўш келмадик, метро қурилиши борасидаги лойиҳаларни тўхтатмадик. Бунинг натижаси ўларок, бугун бир-биридан гўзал олти бекат фойдаланишга тахт бўлди. Бунинг учун, аввало, метросозлар, умуман, мазкур қурилиш ишларига ҳисса қўшган барча корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларига таҳсин айтмоқ керак. Янги йўналишдаги қурилиш ишларининг 24-25 фоизи шу йилнинг сўнги саккиз ойи мобайнида бажарилди. Бундай шароитда ҳисоб-китобни ўрнига қўйиб, бошлаган ишни қатъият билан охирига етказишнинг ўзи катта жасоратдир. Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳри ахлини, бутун Ўзбекистон халқини бу тарихий воқеа билан муборакбод этаман. Аминманки, Тошкент метроси юрдошларимизнинг ифтихори, гурурига айланади қолади.

Анвар БОБОЕВ,
Ўқтам ДЎСТЕР
(ЎЗА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 август куни Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Цутому Хатани қабул қилди.

Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожидида Кунчиқар мамлакат ҳукуматининг собиқ раҳбари бўлиш Ц.Хатанинг ҳиссаси катта. Давлатимиз раҳбари 1994 йили Японияга буюрган расмий ташрифи чоғида Ц.Хата билан учрашиб, музокара ўтказган, мулоқотлар якунида икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинган эди.

Айти пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўзаро айирбошланаётган товарлар, Ўзбекистон иқтисодидаги киритилаётган япон сармоясини ҳам ортиб борапти. Юртимизга мазкур мамлакат киритган жами сармоя 1,3 мил-

лиард доллардан ошиб кетди. Мамлакатимизда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари, ўндан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди. Ўтган ҳафта Тошкентда Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония маркази иш бошлади.

Япония ҳукумати Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга самарали ёрдам кўрсатмоқда. Айти кунларда пойтахтимизда Япония маданияти кунлари доирасида турли тадбирлар бўлиб ўтди.

Оқсаройдаги учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик олоқаларини янада ривожлантиришга аид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ЯПОН ОПЕРАСИ - ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Мамлакатимизда бошланган Япония маданияти кунлари муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Юдзуру» («Тунги турна») операсининг премьераси бўлиб ўтди.

Япониялик машҳур бастикар Икума Дан ижодига мансуб «Тунги турна» операси илк маротаба 1952 йилда сахна юзини кўрган. У япон халқ эртаги асосида яратилган бўлиб, ҳозирга қадар дунёнинг турли мамлакатларида тахминан етти юз марта муваффақият билан намоиш этилган.

Ўзбекистонликлар эътиборига ҳавола этилган мазкур опера япониялик таниқли режиссёр Сузуки Кэйсуку томонидан сахналаштирилди. Унда инсонийлик, меҳр-муҳаббат, оқибат ва дўстлик каби мангу қадриятлар тараннум этилган.

Дунёга доғи кетган «Юдзуру»нинг ўзбек диърида ҳам намоиш этили-

ши, нафақат юртимиз санъатсеварлари, балки япониялик ижодкорлар томонидан ҳам алоҳида қувонч ва гурур билан кутиб олинди.

Опера премьерасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир И.Султонов, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, Д.Ғуломов, Р.Азимов, ташқи ишлар вазири А.Комиллов, шунингдек, Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва муҳтор элчиси Киоко Накаяма ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

КЎТАРМА КЎПРИК ИШГА ТУШДИ

Узунлиги 3 километр, эни 24 метрдан иборат кўприкнинг лойиҳа баҳоси 1,5 миллиард сўмини ташкил этади. Бу Қашқадарё вилоятидаги энг йирик кўприқдир.

Замонавий меъморчилик услубида, сўнги технологиялар асосида бунёд этилган ушбу йўлқозғич «Қарши-Когон» темирйўли билан «Қарши-Бухоро» автомагистралда транспорт қатнови маромида бўлиши, қатнов хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу ишоотни бирлашмаимизга қарашли 7 та йўл қурилиш ташкилоти барпо этди, - дейди «Қашқадарё-автотўл» бирлашмаси раҳбари, Олий Мажлис депутати Курбон Панжиев. - Кўприк минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

(ЎЗА).

МИЛЛИЙ КЎШИҚЛАР ЯНГРАМОҚДА

«Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали тобора қизғин тус олмақда. Регистон майдонидаги томошагоҳ ҳар кун санъат илҳомландириш билан гавжум. Бош сахнада ўтказилаётган «Энг яхши миллий кўшиқ ижроси учун» танловида 32 мамлакатдан келган санъаткорлар қатнашмоқда.

26 ва 27 август кунлари фестивал сахнасида Миср, Россия, Греция, Индонезия, Арманистон, Козғистон, Жанубий Корея, Жанубий Африка Республикаси, Тожикистон, Грузия, Голландия, Қирғизистон давлати санъаткорлари ўз миллий кўшиқларини ижро этди. Жанубий корейлик Хан Мёнг Хи раислигидаги ҳайъат аъзолари уларнинг ижро маҳоратларини баҳолаб бормоқда.

Шунингдек, фестиваль доирасида анжуман ва учрашувлар ҳам ўтказилмоқда. Самарқанд шаҳридаги марказий истироҳат боғи, «Яшил театр», «Ёшлик» истироҳат боғи сахналарида хоризлик меҳмонлар самарқандлик хонандалар билан биргаликда ўз санъатларини намоиш қилмоқда. Илгирмага яқин давлатдан келган журналистлар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманлари ўтказилиб турибди.

Мақомчилик санъати бағишланган илмий-ижодий конференция қатнашчилари «Афросиёб» меҳмонхонасида тўпланишди. Анжуманда санъатшунос олимлар Шарқ халқларида қадимдан ривожланиб келган мақом санъатининг жаҳон мусиқа тараққиётидаги ўрни ва бугунги кундаги аҳамияти ҳусусида маъруза қилди. Фестиваль тадбирлари давом этапти.

Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «УЧҚУДУҚ-МИСКИН-СУЛТОН УВАЙСТОҒ» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транспорт тизимини ривожлантириш соҳасидаги алоҳида хизматлари, Ўзбекистон темир йўллари тармоғини янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ» йўналишини барпо этишда фидокорлик намунасини кўрсатгани учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» Абдуяминов Равшан Абдунаевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари
Бердиев Ишқобул Чориевич - Термиз темир йўл таъмирлаш корхонаси бошлиғи
Раҳманов Мансур Нematович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ак-

циядорлик компанияси 164-машиналашган темир йўл станцияси катта машинисти
Мустанқиллик йилларида мамлакатимизда темир йўл тизимини тараққий эттиришга қўшган улкан ҳиссаси, халқаро Трансosiёб магистралининг муҳим қисми - «Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ» темир йўл тармоғини қуришда кўрсатган гайрат-шижоати, Турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкам-

лаш, жамиятимизда тинчлик-тотувликни қарор топтириш борасидаги катта хизматлари, жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагиларга мукофотлансин:
«Меҳнат шухрати» ордени билан Аймурзаев Сейдулла Қадирбаевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 279-машиналашган темир йўл станцияси соловчи
Аманбаев Умбетияр Досқабилевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 203-машиналашган тажриба йўл станциясининг кран машинисти
Савин Анатолий Иванович - «Боштранслоиҳа» институти лойиҳа бош муҳандиси
Утешов Азамат Рус-

налашган темир йўл станцияси соловчиси
Полишук Анатолий Кузмиш - «Жамбассувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти темир йўл қурилиш бўлимининг механизатори
«Дўстлик» ордени билан Исатаев Зейдула Есенович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 1-энергомонтаж поезди монтери
Мухаммадиев Ильғиз Мухамматулович - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 203-машиналашган тажриба йўл станциясининг кран машинисти
Савин Анатолий Иванович - «Боштранслоиҳа» институти лойиҳа бош муҳандиси
Утешов Азамат Рус-


тамбоевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 279-машиналашган темир йўл станциясининг монтери
«Шуҳрат» медали билан Аллаберенов Худайберген - «Жанубгазуқурилиш» трести очиқ акциядорлик жамияти механизациялаш филиали бульдозерчиси
Еришев Сисенбай Кунградбаевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 279-машиналашган темир йўл станциясининг монтери
Матчанов Худойназар Матякубович - «Хоразмсувқурилиш» трести Урганч қурилиш-монтаж бошқармаси бульдозерчиси
Тожиёв Дилмурод

Маллаевич (мархум) - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станциясининг собиқ бригада бошлиғи
Тураев Шокир Тоғаевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамиятининг йўл монтери
Хайриев Эркин Муртазаевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станцияси бошлиғи
Халиков Ишдовлат Боймуратович - Термиз локомотив депосининг тепловоз машинисти

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан Рўзибаев Рашид Шарипбаевич - «Хоразмиригацияқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти Бо-

ғот механизациялашган кўчма шўъба корхонасининг бульдозерчиси
Сафаев Хабиб Йўлдошев - «Ўрта Осиётранспортқурилиш» трести «3-қурилишмонтаж поезди» очиқ акциядорлик жамиятининг йўл монтери
Хайриев Эркин Муртазаевич - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станцияси бошлиғи
Халиков Ишдовлат Боймуратович - Термиз локомотив депосининг тепловоз машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2001 йил 28 август
И.КАРИМОВ



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

МЕХНАТКАШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТЯЯНЧИ



2001 йил — Оналар ва болалар йили

Яқинда Тошкент вилоятидаги савдо ташкилотларида ишловчи аёлларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб юрганмизда бир идорада ўрта ёшлардаги икки аёл суҳбатининг гувоҳи бўлдик.

ИМТИЁЗ

— Шу кунларга етказганига шукр, - деди биринчиси. — Муддатидан олдин пенсияга чиқиб олиш мумкин экан. Ҳозир ҳужжатларни расмийлаштиряпман. Давлатимиздан айланай, биз аёлларга шунчалик имтиёзлар яратилляпти.



— Ҳақ гапни айтдингиз, - суҳбатдошининг сўзларини қувватлади иккинчи аёл. — Ҳар қанча шукрона айтсак арзийди. Мен ҳам шу масалада келган эдим. Ишим битди. Уй-рўзгор ишлари, болалар, неваралар тарбияси билан энди бемалол шугулланаман. Ортсам уйда тикувчилик қиламан. Келинларим юмушига қарашаман.

ри пенсияга чиқарилди.

Ҳомилалар аёлларни авайлаш ва фарзанд кўргач тўла қувватга кириши учун 154 та меҳнат жамоасида 701 нафар ходимга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллار муддати узайтирилди.

Халқимизда бола азиз, одоби ундан азиз, деган мақол бор. Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси воқиданинг ҳаётдаги энг асосий вазифаси ҳисобланади. Улар шу муҳим ишга кўпроқ вақт ажратишларини кўзлаб мактаб ёшигача болалари бор оналарнинг иш вақти қисқартирилди. Бу тадбир 661 корхона ва ташкилотда амалга оширилмоқда.

Халқимизда бола азиз, одоби ундан азиз, деган мақол бор. Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси воқиданинг ҳаётдаги энг асосий вазифаси ҳисобланади. Улар шу муҳим ишга кўпроқ вақт ажратишларини кўзлаб мактаб ёшигача болалари бор оналарнинг иш вақти қисқартирилди. Бу тадбир 661 корхона ва ташкилотда амалга оширилмоқда.

Оналарни қувонтираётган яна бир жиҳати, мустақил давлатимизда ёш авлод ҳеч нимага зорикмай да қайд этилган нормативлар асосида 25165 нафар аёлга қўшимча таътиллари бериш амалда татбиқ этилди. 50 та ташкилотда эса 271 нафар ходим муддатидан илгари

Мухаббат ҲОШИМОВА, Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси раиси.

«МУРУВВАТ УЙИ»ГА МУРУВВАТ

Зомин туманидаги «Мурувват уйи» кейинги йилларда анча пугурдан кетганди. Бинолар таъмирталаб, тиббий хизмат кўрсатиш воситалари алмисоқдан қолган. Бир сўз билан айтганда, «Мурувват уйи»нинг ўзи мурувватга муҳтож эди.

«Бухоротекс»дек гигант корхонада ишлашни кўпчилик ҳавас қилади. Бойси, бу ерда ижтимоий Ҳимоя масаласида алоҳида эътибор берилмоқда. Моддий манфаатдорлик ой сайини олиб бормоқда. Ишчи-хизматчилар ўртасидаги ҳамқору ҳамжиҳатлик, хайрли ташаббуслар ютуқлар омили бўлмоқда. Катта жамоа кўтлуг байрамга муносиб меҳнат совғаси ҳозирлади.

Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамони, ёшлар мураббийси Мартия Раҳматова шогирди Меҳригул Собирова билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.



Шукрки, дунёда яшиллар бисёр, саховатпешалар кўп. Жиззах вилояти ҳокимлиги мазкур уйга турли корхона ва ташкилотлар томонидан беминнат ёрдам уюштириш ташаббуси билан чиқди. Мазкур ташаббусни Мирзачўл тумани ҳокимлиги биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаб, «Мурувват уйи»га 2 миллион сўм пул ажратди. Шу ва шунга ўхшаш хайрия маблағлари ҳисобига маскан сифатли таъмирдан чиқарилди, тиббий газ, тоза ичимлик суви келтирилди. Заминавий тиббиёт ускуналари ўрнатилиб, беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

— Биз бундай хайрли ишларни ўзбек халқининг азалий одати, миллий кадриятларимизнинг бир ифодаси деб биламиз, — дейди «Мурувват уйи» директори Нишонбой Фозилов. — Зеро, саховатпеша кишилар бор экан, юртимиз ҳаммаша гуллаб-яшнайдеради. Ш.АСКАРОВ.

ПИРИ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номи ширкат хўжалигининг «Янгиер» маҳалласида истиқомат қилаётган Унган Саидова 103 ёшни қоралади. Онахон 4 фарзанд, 19 нафар неварани, 80 га яқин чеваралари бағрида кексалик гаштини сурмоқда.



— Бахтим бор эканки, доруломон кунларни кўриш насиб этди, — дейди у.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Юртбошимиз Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқларида «Ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатнинг ўзи боқадди, дея боқимандалик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи галда ўз қучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир», деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Йиллар ва одамлар

миллион 134 минг сўмни ташкил этди. Банкдан олинган кредитнинг 5 миллион 200 минг сўми қайтарилди. Тадбиркор фақат ўзини ўйламайди. Бошқаларга ҳам ёрдам қўлини чўзади. Қасби туманидаги Мирзо Улуғбек номи хўжаликдаги «Шоҳрух» фирмаси учун худуд қуриб, 3 та дастгоҳ ўрнатиб

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

— Бешкент шаҳрининг Алишер Навоий маҳалласида Бобоназар Равшанов деган тадбиркор яшайди. 61 ёшга қадам қўйган бу оксоқолнинг ота-боболари чорвадор ўтган.

би чорвадор эмасми, шаҳарда ветеринария дорихонаси очиб аҳолининг чорва молларини даволашда ҳам кўмаклашмоқда.

У 1993 йилнинг октябрида тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Эзгу ният — ярим давлат, дейдилар. 1995 йилда у туман «Бизнес фонд»идан 50 минг сўм қарз олиб Тошкентдан ускуналар харид қилди. Қисқа давр ичида сопол буюмлар, пардоз бөрүвчи ва безакли плиткалар, гишлар ишлаб чиқарувчи корхона вужудга келди. Ишлар юришиб кетди. Олинган қарз 6 ойда қайтарилди.

Мехнаткашларни ижтимоий Ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Улар махсус кийим-кечаклар билан таъминланган. Ҳар кун 2 маҳал бепул иссиқ овқат тайёрланади. Ҳар бир ишловчининг ойлик маоши 30-32 минг сўмга тўғри келаяпти.

Бултур кузда вилоят ҳокими Равшановлар хонадонига ташриф буюриб, кичик корхона фаолияти билан танишди. Иш жараёнини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини айтди. Унинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами билан «Тадбир-

корбанк»дан яна 5 йил муддатга 10 миллион сўм кредит расмийлаштирилди. Бу маблағга 11 та дастгоҳ ўрнатилди. Ҳозирги пайтда корхонада 20 хилдаги безакли гишт ва плиткалар тайёрланади. Тошкентдаги санъат лицейини битирган ўғли Санжарбек дизайн сирларини пухта эгаллаган. Гишлар ва плиткаларга ҳар хил безаклар чизади. Унга акаси Музаффар кўмаклашади.

Ҳа, истиқлол бизга эркинлик берди, имкониятларимизни ишга солиб бой-бадавлат яшашга, мулк эгаси бўлишга имкон яратди. Ўн йилдаёқ давлатимиз ва халқимизнинг нима-ларга қодирлиги, салоҳияти амалда кўринди. Энди бизга бахт ва иқбол берган истиқлолимизни асраб-авайлашимиз, қадрига етишимиз ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Одил АШУРОВ, Қарши туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.

САХОВАТ ПОЕЗДИ ҚЎНҒИРОТДА

Экологик мураккаб шароитда яшаётган Оролбўйи болаларига аталган навбатдаги саховат поёзди Қўнғирот вокзалига кириб келди.

Байрам арафасида қорақалпоғистонлик болаларга совға сифатида 2,5 миллион сўмлик дори-дармон, озик-овқат маҳсулотлари ва ўйинчоқлар олиб келинди, — дейди ушбу марказ раҳбари В.Аминова. (ЎЗА).

Ушалган орзу МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИ ШИНАМ УЙЛАРДА

Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан туманда узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқилган. Унинг ижроси таъминлана бориб кейинги йилларда Гулобод қўрғонида 10 км, Наврўз маҳалласида 6, Қўшқўприк, Даштисўхта маҳаллаларида 3 км масофага газ қувурлари уланди. Барча маҳаллалар ичимлик суви келтирилган.

ри А.Эшонқулов, З.Оқилова, байналмилалчи жангчи С.Бахриевларга янги уйлар қалити топширилди. Шунингдек, хомий ташкилотлар турли офатлардан бошпанаси зарар кўрган фуқароларга ҳам кўмаклашмоқда. Масалан, Н.Шаропов, Ф.Нарзиёва, М.Аббосовларнинг уйлари қайта тиклаш учун туман ҳокимлиги 300 донга шифер, «Дўстлик» хўжалиги 5 кубометр ёғоч-тахта, «Самарқандларанда» ҳиссадорлик жамияти 50 минг сўмлик қурилиш материаллари, «Оҳалик-Ломан-паранда» ҳиссадорлик жамияти эса 100 минг сўм ажратди. Уч йил олдин туманнинг тоғли худудидан селдан зарар кўрган 33 оилга ҳам ана шундай ёрдам кўрсатилган эди. Афғон уруши ногирони А.Ҳолиқова ёнғиндан зарар кўрган уйини тиклашга 500 минг сўмлик ёрдам берилди.

Баҳодир МАМАТҚУЛОВ, Самарқанд туман ҳокимлиги яқка тартибда уй-жой қуришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.

НУРОНИЙЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

пенсия ва нафақалар ўз вақтида бериляпти

Кам таъминланган пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида 2000 йил 7 декабрда Вазирилар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинган эди. Унга биноан шу йилнинг олти ойида 598,2 миллион сўмлик пенсия ва нафақа пуллари тарқатилди. Ногиронларга эса 82,6 миллион сўм тўланди. Хомий ташкилот ва корхоналар ҳам бундай инсонлар ҳолидан тез-тез хабар олиб, кам-кўстларини етказиб туришибди.

— Кексалар, ёрдамга муҳтожлар, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий одатларидан. Уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлар ҳам бунга ёрқин мисолдир. Бу эса барчанинг қалбига эртанги кунга ишонч, Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтирмоқда. Шу каби дил сўзларини бўлишимизга иш билан келиб кетаётган ҳар бир инсон мамнуният билан таъкидламоқда.

Ҳозирги пайтда туманда пенсионерлар сони 16339 нафар, ногиронлар 2441 нафар, ёлғиз, ёрдамга муҳтожлар 165 нафар бўлиб, барчаси кучли ижтимоий Ҳимояга олинган. 115 нафар ёлғиз яшовчиларнинг уйига 9 турдаги озик-овқат маҳсулотлари элтиб берилади.

Уларга 22 нафар ходим хизмат кўрсатмоқда. Кўплаб кичик ва хусусий корхоналар томонидан ҳам кўмакка муҳтожларга тез-тез моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, яқинда «Қут баракка», «Ғайратбек» хусусий фирмалари шу мақсад учун йигирма икки минг сўмдан ўтказишди. Шунингдек, ишсизлар ва ногиронларни иш билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Масалан, бултур улар учун 1540 янги иш ўринлари яратилган эди. Бу йил олти ойда эса 726 нафар одам иш билан таъминланди. Президентимизнинг Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқидан келиб чиқиб яқка тартибда ишлашни истаган ногиронларни ҳам тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида бир қатор тадбирлар белгиланди.

Абдуғани ЭРҒАШЕВ, Янгийўл туман ижтимоий таъминот бўлими мудири.

Бир улуг диёр бор рубъи маскунда, Мен учун онамдек азиз, ягона. Бошида умрбод бўлдим парвона, Хурлик давлатини кўролдим унда.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат, Шу икки оламдан иборат дунё. Икки олам аро кўшдай танҳо, Ўзбекистон азиз қалбимга фақат.

На бирор сайёра, на бир мамлакат Мехри юрагимга солалмайди ўт. Мағрур қанот ёздим мисоли бургут, Ўзбек курганида буюк салтанат.

Афросиёб тугин кўтарган Турон, Юлдуздек порлайди унда ҳар инсон.

Юлдуздек порлайди унда ҳар инсон, Муқаддас кўксига кўйиб бошини, Мўм янглиғ эритиб қайғу тошини, Шодлик уммонида уради тугён.

Ватаним Истиқлол ёғдусин сочиб, Зим-зиё дунёни қилди мунаввар. Амир Темур тугин тутди музаффар, Эрк деганга иқбол эшигин очиб.

Буюк Соҳибқирон қурган салтанат Дунёни хайратга солди дафъатан, Улуг элни айлаб бир жону бир тан, Бошини силади улуг мамлакат.

Музаффар Ўзбекини сийлаб гардунда, Саодат офтоби балқиди унда.

Саодат офтоби балқиди унда, Ғам-алам қушларин учуриб бошдан. Ватаним миннатдор улуг нақшошдан, Кишилиқ бешиги — рубъи маъмурда.

Ўзбекистон — жаннат диёрим менинг, Боболар бешигин тебратган Ватан.



Менга шезър каломин ўргатган Ватан, Дунёда топилмас баҳорим менинг.

Ўзбекистон — шодлиг бахт уммоним, Тозелимдек қулган илҳом маскани. Иймон, эътиқодим, эрким чамани, Дунёда кашф этган ёруғ жаҳоним.

Ўзбекистон балқиб кўшдай хандон, Нуридан оламини этди чарогон.

Нуридан оламини этди чарогон, Уйқудан уйғотди Янги асрни, Буюк сафда кўриб янги наслини, Йигитдек яшнади ҳур Ўзбекистон!



Жангу жадалларни кечириб бошдан, Заминга қадамин кўйди устувор, Кўндирмади юрагига чанг-ғубор, Нур эмиб, Хуррият деган кўшдан.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра, Сайёралар инсон изига муштоқ, Мамлакатлар ичра бир диёр порлоқ, Мен учун дунёда олтин гаҳвора.

Эрк соҳибин кўриб тахти гардунда, Ватаним тўй қилар муборак кунда.

Ватаним тўй қилар муборак кунда, Кўзларни сеҳрлар кўркам жамоли, Ҳар уйдан эсмоқда тўйнинг шамоли, Озодлик қувончи аҳли муслимда.

Тўйга тўёнасиз бормади бизда, Тўёна — азалий расми-одатдир, Одатга киргани зўр саодатдир, Муборак анъана Ватанимизда.

Ўзбек ўз одатин этмасдан қанда, Ҳаёт жабҳасида меҳнат билан банд. Тоғни талқон қилар Фарҳодга монанд, Қадок қўлларини ишга урганд.

Тўёна ишқи-ла яшар ҳар одам, Шодлигига бугун тор келур олам.

Шодлигига бугун тор келур олам, Саодат мулкида сурмақда даврон. Дунё карвонига бўлгандек сарбон, Нури уфқларга кўймоқда қадам.

Унга ҳавас қилар кўшни давлатлар, Хурлик дастурхонин ёзгандир тўйга. Бугун меҳмон кутар ҳашамдор уйда, Бошида парвона шаъну шавкатлар.

Тонг билан кўшдай келган меҳмонни, Мезбонлар эъозлаб нону туз билан, Уйини кўрсатиб ёруғ юз билан, Бошига кўтарар азиз инсонни.

«Ўзбек» сўзи янграр янги мазмунда, Ўз қадрини топди мулки маъмунда.

Ўз қадрини топди мулки маъмунда, Саодат боғида дўстини йўқлаб, Ширин сўзлар билан кўнглини хушлаб, Ҳаёт завқин сурар рубъи маъмурда.

Хуррият нуридан уйлар мунаввар, Бошимиз кўкда-ю, кўрагимиз тоғ, Кўнгишлар ободу димоғимиз чоғ, Хуш айём бахш этар улкан бир зафар.

Зафарлар тошқини тинмас куну тун, Тошқанди азимга оқар дарёдай, Кўзни қамаштириб олтин зиёдай, Миллионлаб қалбларни сеҳрлар бугун.

Истиқлол нашъасин сурмоқда бу дам Ўзбек тупроғини яшнатган одам.

Ўзбек тупроғини яшнатган одам Ақлу идрокига олам берди тан. Ватани равнақин кўриб мукаррам, Дарди-ю, ғамини кўролди баҳам.

Адолат байроғин кўтариб баланд, Буюк бир Ватанин комрон этди у, Ўзини тинчликка посбон этди у, Қалбларни қалбларга этолди пайванд.

Бағишлов

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат, Бир инсон сингари порлар ҳар юлдуз, Заминдан бахт излаб кеча-ю кундуз, Не жонлар эл аро чекар азият.

Кўк ичра курсам ҳам қуёш салтанат Фуқаро дардига толмади чора. Ҳатто кирилмади жонига ора Ўзлари тугилиб ўсган мамлакат.

Ва лекин топади бахтин дунёда, Саодат умиди бўлиб зиёда.

Саодат умиди бўлиб зиёда Эркин нафас олсам дейди ҳар одам. Одамсиз олам ҳам яшолмас бир дам, Одам билан, ахир, олам зебо-да.

Барот БОЙҚОБИЛОВ, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти соҳиби.

ЎЗБЕК ИСТИҚОН

Сонетлар гулчамбари

Улуг тўй кунда содиқ дўстлари, Ўзбек шарафига қуриб анжуман, Юртимиз ҳуснига бўлиб орзуманд, Дунё бўйлаб янграр олқиш сўзлари.

Дўстлик билан эрур умри зиёда, Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда.

Бор нарса муаллақ самода, балки, Янги сайёралар пайдо бўлмагай, Янги юлдузлар ҳам порлаб кулмагай, Лекин шунга менинг қалбим аминки. Қуёш атрофида айлангандек ер, Бахтиёр авлодлар келиб дунёга,



Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда, Ой каби таҳомас, юлдуздай кўпдир, Хуррият қасрига безақдир, зебдир, Умид қаҳқашонин кўрар самода.

Дўстлар қувончининг чеки йўқ асло, Ва лекин душманлар ҳоли эрур танг. Ватаним кўксига солай дея чанг, Қафасдай кўринар кўзига дунё.

Тўйдан дўст қувонар, куйинар душман, Бу ҳикмат аёнқад қадимдан бизга. Бахт қулиб боққанда заминдан бизга, Дўстлик боғин яна этурмиз гушлан.

Ёв кўксига тигдай ботиб ҳар сўзи, Кўшдай ярқирай толеъ юлдузи.

Қуёшдай ярқирай толеъ юлдузи Сири сайёралар туркуми ичра, Саодат ёғдусин тўлқини ичра, Сеҳрдан қамашар одамзод кўзи.

Одамлар парвона бўлиб зиёга, Истиқлол қуёшин менинг бахтим, дер.

Хуш олам кўйинда парпираб кўзи, Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи Олам ранг олмақда Саовоб боғидан. Олам нур олмақда Офтоб боғидан, Пешанасин ўпиб иқбол юлдузи.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра, Юлдуздек беҳисоб заминда инсон. Беҳисоб инсонлар ичра бегумон Ўзбек ҳам азиздир бу жаҳон аро.

Улуг тўй кунда азим Тошқандда Барча вилоятдан дўстлар бўлур жамъ. Эътиқодин этиб яна мустаҳкам, Пойтахтда ўзини сезар арзанда.

Қалбларда жўш уриб ўтли қасида, Мамнунлик янграйди Ўзбек сасида.



Мамнунлик янграйди Ўзбек сасида, Ватан бўйлаб янграр бу буюк нидо, Жаҳон бўйлаб янграр бу буюк нидо, Улуг тўйнинг ҳар бир дақиқасида.

Буюк улусини кўриб шодумон, Бахтиёр юзида акс этиб офтоб, Қалбидан отилиб оташин хитоб, Тўй билан қутлайди Яздони комрон.

Улуг тўйга бўлиб ўзи тўйбоши, Халқимиз бошини силар Худойим, Жаҳон бўйлаб янграр бу буюк нидо, Мангу балқигандек умид қуёши.

Бу қуёш чулганар эрк шуъласига, Дунё боғин барча минтақасида.

Дунё боғин барча минтақасида, Ҳаётнинг мангуга бўлиб йўлдоши, Қалбларни ёритиб Хурлик қуёши, Порлайди замонлар силсиласида.

Бу қуёш зиёси тушмаган уй кам, Ёғдусидан баҳра олмаган қалб йўқ, Нурига орзуманд бўлмаган алп йўқ, Бу нурга маҳлиё жумлан олам.

Бу қуёш сўнмагай токи бор жаҳон, Ҳаёт рамзи бўлиб порлайди абад, Бизни Истиқболга чорлайди абад, Қуёшдай жилмаяр Ўзбегим комрон.

Мехрининг нури бор ҳар заррасида, Бир улуг диёр бор ер куррасида.

ГУЛЧАМБАР

Бир улуг диёр бор рубъи маскунда, Юлдуздек порлайди унда ҳар инсон. Саодат офтоби балқиди унда, Нуридан оламини этди чарогон.

Ватаним тўй қилар муборак кунда, Шодлигига бугун тор келур олам. Ўз қадрини топди мулки маъмунда, Ўзбек тупроғини яшнатган одам.

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда, Кўшдай ярқирай толеъ юлдузи. Саодат умиди бўлиб зиёда, Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

Мамнунлик янграйди Ўзбек сасида, Дунё боғин барча минтақасида.

Контрактация шартномалари қандай бажарилмоқда?

Фермер хўжаликлари фаолиятида уларнинг тайёрлов идоралари, шунингдек, турли хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ташкилотлар билан икки томонлама тузилган контрактация шартномалари алоҳида аҳамият касб этади. Хўш, бу шартномалар талабларининг бажарилиши қай аҳволда?

Мухбиримиз Ўрта Чирчиқ тумани дехқон-фермер хўжаликлари вакилларининг раҳбари Тўлқинжон ОДИЛОВ билан ана шу долзарб мавзуда суҳбатлашди.

— Энг аввало бир нарсани назардан қочирмаслик керакки, шартнома сўзининг туб ўзаги «шарт» сўзидан олинган. Демак, шартнома бажарилиши шарт, яъни мажбурий. Мана шу қоидага амал қилинган жойда ютуқлар қўлга киритилаётгани, аксинча, бу нарса инкор этилаётган ерда эса ишлар оқсаятганини ҳаёт тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Туманимизда 171 та дехқон-фермер хўжалиги бор. Улар пахтачилик, галлачилик, шодликорлик, чорва ҳамда боғдорчиликка ихтисослашган. Лекин, табиийки, улар орасида пахтачилик ва галлакорлик билан шуғулланганлари кўпчиликти ташкил қилади. «Дўстлик» дехқон-фермер хўжаликлари

Фақат ўтган йилнинг ўзида 36 миллион сўм даромад олди. Унинг 5 миллиони соф фойдадир. Бу йил 143 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Гектаридан 35 центнердан ҳосил учун кураш олиб борилаётган. Ҳозирги ишлар ваъда ортиги билан бажарилишидан дарак бериб турибди.

ЮТУҚЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Хўжалик бу йил 120 гектар майдонда галла етиштириб, 45 центнердан, яъни режадагидан анча кўп ҳосил кўтарди. Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадики, фермер хўжалигида меҳнат қилувчи 53 нафар кишидан ҳар бирининг ойлик маоши йил якунига кўра барча ҳисоб-китоблардан сўнг 25-30 минг сўмини ташкил қилади. Бу ютуқларнинг барчаси Абдурашид Маҳаммов тайёрлов идоралари, хизмат кўрсатувчи тармоқлар ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар билан тузган контракта-

циявий шартномалар ўз вақтида ва тўла-тўқис бажарилганлиги натижадир. Келинг, мисолларга ўтамиз. «Турон» фермер хўжалиги ҳамда Бекобод тумани машина-трактор паркни ўртасида йил бошида хўжаликнинг 80 гектар майдонида етиштирилаётган галлани «Кейс» комбайнларида

лар ёрдамида тозалаш юзасидан шартнома имзоланган эди. Ташкилот фермер хўжалигида 2100 кубометр ҳажмида тупроқ ишларини ўз вақтида бажарди. Фермер хўжалиги эса шартномада келишилган 315 минг сўмини ташкилотга бир кун ҳам муддатини ўтказмай тўлади.

Бу яхши, албатта. Лекин ёрдамида тозалаш юзасидан шартнома имзоланган эди. Ташкилот фермер хўжалигида 2100 кубометр ҳажмида тупроқ ишларини ўз вақтида бажарди. Фермер хўжалиги эса шартномада келишилган 315 минг сўмини ташкилотга бир кун ҳам муддатини ўтказмай тўлади. Бу яхши, албатта. Лекин ёрдамида тозалаш юзасидан шартнома имзоланган эди. Ташкилот фермер хўжалигида 2100 кубометр ҳажмида тупроқ ишларини ўз вақтида бажарди. Фермер хўжалиги эса шартномада келишилган 315 минг сўмини ташкилотга бир кун ҳам муддатини ўтказмай тўлади.

ШУ АЗИЗ ВАТАН - БАРЧАМИЗНИКИ!

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб «Шу азиз ватан - барчамизники!» шiori остида халқ сайли ва байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Уни республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, Байналмилал маданият маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди.

130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган мамлакатимизда истиқлол йилларида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди. Бунда ҳар бир миллат вакиллари муносиб улуши бор.

«Она ер саховати» деб номланган байрам дастурхони атрофида Тошкент шаҳри ва вилоятининг турли маҳаллаларидан бир юз элликдан кўпроқ оила вакиллари тақдир этилди. Уларга тўрт миллион сўм миқдорда байрам совғалари улашилди.

С.КОДИРОВ, суҳбатлашди. (ЎЗА).

ОЛИЙ МАЖЛИС — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

— Сессия кун тартиби ҳақида тўхталсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясининг кун тартиби гоятда бой. Депутатлар муҳокамасига киритилган давримизнинг долзарб масалалари, парламент кўмиталари томонидан яратилган янги қонунларнинг лойиҳалари, халқаро муносабатларимизнинг тобора ривожланиб бораётганидан, мамлакатимизнинг умумжаҳон сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларида фаол қатнашаётганидан дарак берувчи халқаро ҳужжатлар ратифика-

ни айтасизми, махсулот тақсимоти меъёрлари борасидаги иқтисодий аҳамияти кўзга ташланиб турган ҳужжатни кўрасизми ёки бюджет бажарилиши билан боғлиқ материалларни кўриб таҳлил қиласизми, ҳаммаси ислохотларга, мамлакатимизда бораётган турли йўналишлардаги тикланиш жараёнлари, ҳодисаларига беvosита дахлдор, уларнинг ривожини ва раvнақини учун ўзига хос йўللари очади.

— Бугун ўз ишнини бошлайдиган сессия, агар таъбир жоиз бўлса, тарихий ҳисобланади. Шу ўн йил давомида Парламент

тажрибалар эвазига юзга келди бу каби қонунлар ва улар муболагасиз айтиш мумкинки, бугунги тинч ҳаётимиз маромларини яратди. Парламентимиз ижтимоий ҳаёт ичига қанчалар чуқур кираркан, шунчалар теран қимматга эга қонунлар ҳам яратаверади. Бу жиҳатдан унинг ижобий имкониятларини чексиз дегим келади. Албатта, парламент фақат қонун ижодкорлиги ва унинг назорати билангина чекланмайди. Қонун яратиш жараёнида унинг ўзи ҳам ҳар жиҳатдан тақомиллашиб боради. Унинг тақомиллашганлигини мамлакат ички ва

уларнинг ечимлари устида ишламоқда.

Ижтимоий ҳаётимиз, фуқаролар олдида матбуот жуда катта вазифаларни ўз устига олган. У «тўртинчи ҳокимият» шарафини қозониш учун ҳали жуда кўп ишлари, жамият, халқ манфаатларини кўзлаб тинмай тер тўкиши, ҳолислик, очиқлик, ҳаққонийликка эришиши зарур деб биламиз. Етарлича қонуний, ҳуқуқий асослар мавжуд экан, Ўзбекистон журналистлари матбуотнинг даражасини албатта кўтаришга қодирлар деб ишонамиз.

ТАРИХИЙ 10 ЙИЛ Шу давр мобайнида ҳаётимиз учун ўта муҳим қонунлар қабул қилинди.

1. 1992 йил 8 декабр. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.
2. 1995 йил 21 декабр. «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун.
3. 1996 йил 26 апрел. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.
4. 1996 йил 29 август. «Фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун.
5. 1996 йил 27 декабр. «Ўқитувчилар ва Мураббийлар кунини тайин этиш тўғрисида»ги Қонун.
6. 1996 йил 27 декабр. «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун.
7. 1997 йил 29 август. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонун.
8. 1997 йил 29 август. «Таълим тўғрисида»ги Қонун.

9. 1997 йил 29 август. «Давлат Божхона хизмати тўғрисида»ги Қонун.
10. 1998 йил 30 апрел. «Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун.
11. 1998 йил 30 апрел. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун.
12. 1998 йил 19 август. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонун.
13. 1999 йил 15 апрел. «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун.
14. 2000 йил 25 май. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун.
15. 2000 йил 26 май. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун.
16. 2000 йил 15 декабр. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонун.

БИЗНИНГ ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ

Олий Мажлис депутати, парламент Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси ўринбосари Иброҳим Ғафуров билан суҳбат

сиёси сингаги қатор жуда муҳим мавзулар парламентимиз замона воқелигига қанчалар ҳамқадм бораётгани, катта миқёсдаги ислохотларга чин маънода мустақкам ҳуқуқий асос яратишга интилаётганини кўрсатади.

XXI аср қонунлар ва уларга риоя этиш асри бўлади. Қонунлар ҳаётни интизомга солиш, яхши яшаш меъёрларини яратиш ва шулар асосида яшашнинг барна соҳалари ҳамда йўналишлари, кирраларини инсонга қулай қилиш учун тузилади. Қонунлар ҳаётни тузади. Тузуқ деган гўзал сўзимизнинг маънис шунда. Тузуқ — қонун — ҳаёт одамларнинг эҳтиёжи, ижтимоий тузумларнинг талаби билан дунёга келади. Эҳтиёж бўлмаса қонун яратилмайди. Меъёрлашга талаб ҳамда эҳтиёж борки, қонун бор ва дунёга келади.

Олтинчи сессиямизга қўйилган қонунларнинг лойиҳалари ва бошқа давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар шундай талаб ҳамда эҳтиёждан тузилган. Референдум тўғрисидаги қонунимизнинг янги тахририни оласизми, маданий ёдгорликларимизни асраш ва улардан фойдаланиш тўғрисида яратилган ўта муҳим қонун лойиҳаси-

тимиз биз орзу қилган даражага етдимиз?

— Олий давлат органи- мизнинг мажлиси жуда йирик масалаларни ўртага қўйиш билан бирга мамлакатимиз ва халқимиз учун тарихий жиҳатдан ўта салмоқдор бир вақтда ўтмоқда. Ўзбекистон ўз озолиги ва мустақиллигининг ўн йиллигини нишонламоқда. Ўн йил парламентимиз учун ҳам буюк воқеалар билан тўлган, бойиған, тарихан гоятда аҳамиятли бўлган даврдир. Парламент қабул қилган юзлаб муҳимдан муҳим қонунлар, халқаро ҳужжатлар ҳаётга кирган ва тўла маънода ишламоқда, эл-юрт фаровонлиги билан боғланган ўз вазифаларини бажармоқда. Иқтисодиёт соҳасидаги қанчадан қанча қонунлар, суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, маърифат, матбуот, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва бошқа йирик-йирик соҳалар билан беvosита боғлиқ қонунлар мажмуалари, тараққиётимиз йўналишлари белгиланган ёрқин дастурлар, бошқарув ва идора меъёрлари — булар бари ҳаётимиз, яшаш усулимизнинг таркибий ажралмас қисмига айлиниб улгурган. Ер ва ҳўжалиқ юритиш борасидаги қонунларни олинг. Қандай улуг ақлий меҳнат ва

ташқи ҳаётга реал таъсирида аниқ сезиш мумкин. Парламентнинг сиёсий, профессионал сависии у яратётган, ҳаётга олиб кирётган қонунлар ва ўзга ҳужжатларда тўла мужассамдир.

— Сиз фаолият юритаётган кўмита сессиялар орасида қандай ишларни амалга оширдиз?

— Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот кўмитасида яратилган матбуот, ноширлик, журналистик фаолияти, ахборот олиш, муаллифлик ҳуқуқлари, реклама тўғрисидаги қонунлар мамлакатда машҳур. Улар ҳар муаллиф, журналист, ношир, матбуот ходими, ҳар ахборотга дахлдор фуқаронинг ҳаётга у ёки бу маънода қай бир борда деб айта оламиз. Ҳозир кўмитамиз қонунларга айрим тақомиллар, тузатишлар киритиш, янги қонунлар лойиҳаларини яратиш ва айниқса, жойларда қабул қилинган қонунларнинг қандай ижро этилаётганлигини ўрганиш юзасидан эътиборли изла- нишлар олиб бормоқда, матбуотимиз ривожининг муҳим масалаларига бағишланган регионал семинарлар ўтказмоқда. Қонунларимиз меъёрлари ва талаблари асосида ОАВнинг турли муаммоларини ўрганимоқда,



Ўн йиллигимиз, мустақиллик байрами, истиқлолчилар хотиралари билан чамбарчас боғланиб кетган ажойиб кунларда ўтаётган парламентимизнинг олтинчи сессияси эътиборли, шарафли воқеаларга бой бўлишига ишончимиз қомил.

Аскар ШОКИР суҳбатлашди.

жуда кўп ишлар қилинди. Самарқанддаги меъморий ёдгорликлар мисолида мен бу ишларнинг кўламини кўриб, ҳис қилиб турибман. Бироқ, тарихий ёдгорликларга бўлган эътибор баъзи қишлоқ жойларида ҳамон қутилгандек эмас. Ваҳоланки, бу ерларда осори атиқалар жуда кўп.

Нарпайда Хўжакарзон қишлоғи бор. Тарихий манбаларга қараганда, Хўжакарзон XIX асрда Чор Россияси босқинчиларига қарши курашган

кунлари фақатгина видлоят ёки туман марказларида ўтиши керак эмас. Улар қишлоқ ва овулларга қариб бо- ришсин. Мен ушбу масала бўйича фикрларимни ўтган сессияда баён қилган эдим. Шунингдек, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳусусида ҳам фикр билдиргандим. Ишонаманки, тақдирларим инobatга олинади.

Сессиялардаги чиқишларимда сайловчилар нуктаи назарини

Олий Мажлисининг иккинчи чақирғиқ Олтинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалалардан бири «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасидир. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда тарихий меросимизни кўз қорачигидай асраб-авайлашга нечоғли катта аҳамият берилаётганлигининг яна бир исботи. Мустақиллик йилларида бу йўналишда халқ қахрамони бўлган Афсуски, бу тарихий шахс тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Фикримча, депутатлар кўпроқ жойларга бориб, одамлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туришлари керак. Депутатларнинг қабул ифода этишга ҳаракат қилман. Сайловчилар фаоллиги депутатларни ҳам фаол ҳаракатга чорламोқда.

Тошпўлат ТОШМУРОДОВ, Олий Мажлис депутати, Нарпай тумани.

Субҳидамда уйғониб кетдим телевизорни ёқдим. «Тонги дастур»да мен яхши кўрган «Қайда бор» кўшиғи янграмоқда эди. Таниқли хонанда Раъно Бўронова марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуф шёри билан айтадиган бу кўшиқни тўлиб-тошиб, ўзига хос жозоба билан қуйларди:

Лолалар ҳар жойда бор, Бизда бори қайда бор! ...Бизнинг бўстон қайда бор, Ўзбекистон қайда бор.

Аланечук бўлиб кетдим. Ҳозир бизга кўплар ҳавас қилаяпти. Ҳа, ҳавас қилса арзигулик юртимиз, нурли-истиқболли келажимиз бор. Ўзбекистонимиз ўз гулгун жамолига, ўзига ярашган қадди-басти, кўрки-камалига эга. Лекин булар осонликча қўлга киритилгани йўқ. Йиллаб давом этган дардлар-изтироблар, курашлар туфайли эришдик уларга.

Мен Ватанимни оғир хасталиқдан энди бош кўтарган, юзларида ёруғлик, табассум пайдо бўлган мушфик, мунис, жафокаш онага қиёс қиламан. Ватаним онага қиёс қилгудек бўлсак, бу муштинлар кўп изтиробларни бошидан кечирганини айтмай бўлмайди. Соҳларидаги оқ ҳам ушандан...

Шулар ҳақида ўйладиму ногоҳ, эс-ҳушимни танганимдан буюн ҳар янги ўн йилликнинг биринчи йилида юз берган, нимаси биландир ёдда муҳрланиб қолган воқеаларни бирма-бир эсладим.

...Биз ҳаммамиз ягона она-Ватаннинг фарзандларимиз. Маълумки, она жуда-жуда сезгир бўлади. Қалби билан кўп нарсаларни пайқайди. Балки неча-неча ўн йилликлар давомида фарзандларини бошидан кечирган азоб-уқубатлар ҳам уни хаста қилгандир, ким билсин... Қуйида мен сўзлаб берадиганлар эса ана ўша фожевий кечмишларнинг бир шингили, холос.

Агар улар ҳақида билмасак, биз бугуннинг қадрига етолмаймиз

1951 йил, куз. Биз, тўққиз-ўн яшар болалар иккинчи синфда ўқиймиз. Сентябрьнинг бошлариданоқ мактабларда дарсларни йиғиштириб қўйиб, этакларни белимизга боғлаганча теримга тушиб кетамиз. То қишгача, деврли янги йилгача кўрпатушак қилиб олиб, шийпонларда ётиб пахта терамиз.

Ўша йиллари бизнинг Андижон томонларда куз ва қиш нечундир эрта келарди. Баъзи йиллари ноябр ойининг ўрталаридаёқ бир қарич қор ёғарди. Синф раҳбаримиз — ашаддий фирқа одам машҳур шоиримиз ёзган «Назир отанинг ғазали» шёрини қайта-қайта такрорлар ва бизларни ҳам шундай қилишга мажбур этарди: «Қор эмас, тош ёғса ҳам терамиз!» Биз, бўйларни гўза билан тенг болалар Назир отага жўр бўлиб, кашшофларча ватанпарварлик ила ҳайқирардик: «Терамиз!». Ях бўлиб қолган қўлларимизни ҳовури- миз билан илтганча, сўнгги кўсақларни қордан тозалаб, этакларга жойлардик. Совуқдан дағ-дағ титраб ва «Тезроқ янги йил кела қолсайди» деб орзу қилардик, зотан янги йилда бизни ноилж

мактабга қайтаришарди. Энг яқин дўстим, адабиёт ихлосманди Фулом ўша куз ўзини совуққа олдиштириб қўйди. Устама-уст тиним билмай йўталар, ўхтин-ўхтин қон тупурарди. Шу-шу касалманд бўлиб қолди у. Кейин, бизлар балоғат ёшига етиб, ҳар биримиз ҳаётда ўз йўлимизни топиб кетдик, лекин у оилаб касалхонадан чиқмасди. «Ўпкасини қаттиқ шамоллатиб қўйган» дейишди шифокорлар. Дўстим 1965 йили, йигирма беш ёшга ҳам тўлмай оламдан кўз юмди.

Ўзбек халқининг шон-шўҳрати, ифтихори бўлмиш пахта ўша йиллари том маънода унинг кулфатига

бик Комсомолобод) туманида ишлайман. Телевидениедан муҳбирлар келиб қолишди. Улар билан бирга бўлишим керак экан. Бир йил муқаддам Афғонда қурбон бўлган йигит хотирасига унинг қабри узра ёдгорлик ўрнатилибди. Телевизорчилар марҳум йигитнинг онаси билан ўша ерда, ўғлининг қабри ёнида суҳбатлашмоқчи эканлар. Қабристонга етиб келдик.

Бир пайт оператор йигит ўз камерасини она- нинг юзига тўғрилаши биланоқ у дуога қўл очиб, калима келтирганча деди:

— Раҳмат, мана, ўғлимнинг хотирасига ёдгорлик

римиздан бири.

Давраимизда меҳмонлар ҳам бор. Улардан икки нафари — хорижликлар. Саудия Арабистонидан келишибди. Аҳждоллари наманганлик бўлган экан. Қариндошларини излаб келишибди юртимизга. Бир пайёла чой устида хангома қизиб кетди.

— Сизлар жуда-жуда бахтли одамларсиз, — дейишди меҳмонлар, — чунки юртингиз истиқлолини ўз кўзларингиз билан кўрдиз. Бизлар ўша ёқда, ўз юртимизда туриб, боболаримизнинг Ватани Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинган- нини эшитгандан сўнг қувончдан кўз ёши тўқдик. Бир-бирларимизни табриклар, кучоқларимизга босдик. Туркиядаги, Америкадаги, Германиядаги ўзбек қариндош биродарларимизга сим қоқиб, уларни ҳам бу буюк, оламшумул воқеа билан табриклардик. Истиқлол — буюк бахт. Бахтингиз боқий бўлсин. Сизнинг юртингиздек жаннатмакон юрт ҳеч ерда йўқ...

2001 йил, январ. Қаламқаш бир дўстимиз ҳам- роҳлигида йигирма биринчи асрнинг дастлабки соатларида тузилган фарзандлар билан қизикси- намиз. Ўша, янги асрнинг биринчи кунини Тошкентимизда юз нафардан ортик бахтиёр ўғил-қиз дунёга келибди. Мирзо Улуғбек туманида яшовчи муҳандис йигит тўнгич ўғлига Умид дея ном қўйибди.

— Янги аср Ўзбекистонимиз учун хосиятли келишига умид боғлаб, шу номни қўйдик, — дейди у.

Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи шофёр укаими қизчасини Хуррият деб атабди.

— Хуррият замонида дунёга келди. Шундан муносиброқ исм топмадик, — дейди у кўзларида нур балқиб.

Бир вақтлар оташин шоиримиз «Мен дунёга келган кунданок, Ватаним деб сени, уйғондим» деган ўлмас сатрларни битган эди. Мен ҳам, бутун элим, халқим қатори бундан ўн йил муқад- дам, 1 сентябрда «Салом, нурафшон тоғ, озов Ватаним!» дея уйғондим.

Ушанда юрак-юрагимнинг тубидан отилиб чиққан ҳис-туйғуларни шундай қоғозга туширдим:

— Истиқлолинг муборак, азиз Ватаним! Шўк- роналар бўлсинки, барча қора кунлар энди ор- тда қолди. Олдинда фақат ёруғлик бор. Энди са- доқатли ўғлонларинг ўз ҳаётлари мазмунини сенга бир умр хизмат қилишда, деб биладилар. Мен, катта, улугвор қомонангга битта гишт бўлишга яролсам, буюк уммонингга қўйилган қичкина жи- лга бўлсам, ўзимни бағоят бахтли ҳис қилар- дим. Зотан, оташин шоиримизнинг ўлмас сатр- лари билан айтганда:

Оқ йўрғакча ўрагансан ўзинг бизни, Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни. Бешигимиз узра бедор она бўлиб, Кунинизга ярагансан ўзинг бизни...

Қодиржон СОБИРОВ.

БУНДАЙ БЎСТОН ҚАЙДА БОР

Публицистика

айлиниб қолган эди. 1961 йил, куз. Ёш ас- карлар тўла поезд Европа- нинг қоқ марказида, кўм-кўк ўрмонлар, тип-ти- ниқ кўллар, дарёлар ёқалаб олиб бормоқда. Биз, ҳарбий хизматга ча- қирилганлар орасида беш нафар ўзбек йигити ҳам бормиз. Ўн уч кундан бери тинмай йўл юряпмиз. Она юртимиз Ўзбекистон жуда-жуда узоқларда қолиб кетди. Польша-Гер- мания чегарасини кесиб ўтдик.

Поезд гилдирақлари тинмай, бир маромда «тақа-туқ»лайди.

— Нега биз Германияга келяпмиз? Ўз юртимизда хизмат қилсак бўлмасми- ди? — сўраймиз қузатув- чимиз — лейтенантдан.

— Сизлар Ватаним химоя қилиш учун кетаяп- сизлар, — жавоб беради у.

— Ахир, ўртоқ лейте- нант, — эътироз билдира- ман мен, — Ватаним унинг ўзида туриб химоя қилса бўлмайми?

— Офицернинг сарик юзи қизариб кетади. Жавоб бермайди...

1981 йилнинг баҳори. Андижоннинг Улуғнор (со-



ўрнатиб беришди...

Она гапирарди-ю кўзла- ридан шашқатор ёшлар қуйиларди... Кўп ўтмай, телевидение ходимлари жўнаб кетишгач, мушти- лар она билан бирга хувиллаб қолган қабрис- тонинг сокин йўлакчаси бўйлаб борар эканмиз, аста сўз қотдим:

— Юрагингиздаги гапни гапирмадингиз-да, она!

У пиқиллаб йиллаганча жавоб берди: — Ахир нима қилай, ука! Кеча мени бир идорага чақириб олишиб, айнан шундай дейишим керакли- гини қайта-қайта уқтириш- ди. Бўлмаса ўғлим учун нафақа олишим қийинла- шиб қолар экан...

1991 йил, куз. Машҳур Наманган боғининг сўлим чойхоналаридан бирида ўтирибмиз. Дўстлар дав- раси қизигандан қизиб борапти. Яқиндагина Ўзбекистон ўз мустақил- лигини эълон қилган. Та- биийки, ўзаро суҳбатчи- мизнинг мазмун-моҳияти ҳам ушбу мавзу атрофи- да.

— Не бахтки, мана шундай муқаддас кун- ларга ҳам етиб келдик, — дейди ҳамсуҳбатла-

МЕҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналиши

Истиклол йилларида кўп яхши ишлар каторида фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза этиш, уларни мунтазам равишда соғломлаштириб беришга эътибор қўлайди. 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ва шу асосда Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, оламшумул тадбирларга қўл урилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда.

рини ҳамда аёлларни республикамизнинг энг сўлим ва баҳаво гўшаларида жойлашган оромгоҳлар, санаторий, санаторий-профилакторийларда бепул дам олдириш ва соғломлаштириш ташаббуси билан чиқди. Ушбу таклиф ҳукуматимиз томонидан маъқулланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижти-

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида бугунги кунда 18 та санаторий ва 2 та дам олиш уйи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 4445 та дам олиш ва даволаниш ўрни мавжуд бўлиб, ҳар йили 60439 нафар меҳнаткаш ўз саломатлигини тиклаш имкониятига эга.

Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли «Гулпаршин» номли «Она ва бола» санаторийси фаолият кўрсатмоқда.


2001 йилда «Чинобод» санаторийсида замонавий, барча қулайликларга эга бўлган «Она ва бола» коттежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этиш ва жиҳозлашга 90 миллион сўм маблағ сарфланди.

КАТТА СИНОВ

— Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида ҳар биримизнинг кўнгилмиздан ҳаётимизнинг турли жаҳаларида юз бераётган оламшумул ўзгаришлар сарҳисоби ўтади, - дейди Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Республика доимий комиссияси раиси ўринбосари Озода Муҳиддинова. — КУФК ҳам инсон саломатлиги, аёллар, болалар ҳамда ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимояси, оналар ҳамда келажакимиз эгаларини доимий равишда соғломлаштириш йўлида астойдил иш олиб бормоқда. Кучли ижтимоий ҳимояга таянган ҳолда корхона ва ташкилотларда имзоланмаётган жамоа шартномалари ҳамда битимларга меҳнат қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилган нормативлар асосида аёллар учун қўшимча таътиллار бериш, ишловчи оналарга берилмаётган туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари кунини узайтириш, мактаб ёшигача фарзандлари бор кўп болали аёлларнинг иш ҳақини сақлаган ҳолда иш вақтини қисқартириш, кўп болали, боқувчисини йўқотган ёлғиз оилалар фарзандларини мактаб ошоналарида бепул ёки имтиёзли равишда овқатлантиришни ташкил этиш каби масалаларни кириштириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ҳам бизнинг муҳим вазифамиз бўлиб келмоқда. Касабаси уюшмалари Кенгаши «Она ва бола» Давлат дастури асосида ўз тадбирларини ишлаб чиқиб, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова бошчилигидаги Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Республи-

ка доимий комиссияси иш олиб бормоқда. Ушбу комиссия ҳар бир вилоят ва туманларда болажонлар ҳордиғи ҳамда даволаниш учун яратилаётган шарт-шароитларнинг намунали ташкил этилишини

мой муҳофаза қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ оролбуйи ҳудудидан 20 минг нафар бола, 4,5 минг нафар



доимий назорат қилиб келмоқда.

Мухтарам Президентимиз «Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида гамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир» дея бежиз таъкидламаганлар. Касабаси уюшмалари гамхўрлигида ҳар йили ёзги мавсумда 300 минг нафарга яқин ўғил-қизлар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Жорий йилда ҳам касабаси уюшмалари, ҳўжалик ташкилотлар ва тегишли мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари билан оромгоҳлар ион ойдаёқ болажонлари ўз бағрига олди. Жойлардаги мактаблар қошида эса кундузги оромгоҳлар ташкил этилиб, зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, бу йилги мавсумда 270 минг нафар ўғил-қизни дам олдириш кўзда тутилган бўлса-да, амалда 277 минг 395 нафар болажонларни соғломлаштиришга эришилди.

Касабаси уюшмалари Кенгаши «Оналар ва болалар йили»да яна бир хайрли ишга қўл урди. Сув таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова бошчилигидаги Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Республи-

аёлни энг яхши оромгоҳ ва сийҳатгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилди. Амалда 20 минг 272 нафар оролбуйи болалари соғломлаштирилди. Болалар оромгоҳларга жўнатилиш олдидан тўлиқ тиббий-диспансер кўриғидан ўтказилиб, тиббий ҳулосаларга кўра шароитдан келиб чиққан ҳолда даволаш муолажалари тайинланди. Ҳордиқ масканларида спорт-соғломлаштириш ишларини намунали ташкил этиш, спартакиадалар ўтказиш орқали болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Аёлларни соғломлаштириш масаласига келсак, уч наватда 472 нафар хоразмлик, 953 нафар қорақалпоғистонлик аёл замонавий тиббий талабларига жавоб берувчи сийҳатгоҳларда саломатликларини тиклади. Бу мақсадларга 78 миллион 400 минг сўм сарфланди. Бугунги кунда оролбуйи аёлларини соғломлаштириш давом этмоқда.

«Соғлом авлод» ҳамда «Она ва бола» Давлат дастурларига биноан сийҳатгоҳларда она ва бола бўлимлари, Марказлар барпо этилди. Уларда аёллар ўз фарзандлари билан дам олиб, даволанишлари, меҳнат жамоаларига тўла қувват билан қайтишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Рақамларга мурожаат этсак. Жорий

йилнинг биринчи ярим йиллигида касабаси уюшмалари қарашли санаторийларда 1225 та йўланма билан 2450 нафар она ва бола саломатлигини тиклади. Бугунги кунда оналар ва болалар учун барпо этилган махсус шифо масканларида улар замонавий тиббий хизматлардан фойдаланмоқда. Таъкидлаш жоизки, «Турон» санаторийсида «Она ва бола» бўлими қурилиши нийоҳасига етмоқда. Ҳозирда бу ерда умумий қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Биринчи ярим йиллик якунларига кўра ушбу сийҳатгоҳ учун 52 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Бундан ташқари «Турон», «Чинобод», «Бўстон», «Ботаника», «Оқтош», «Чимён», «Мироқ», «Қашқадарё соҳили» санаторийларида мавжуд оналар ва болалар бўлимларини қайта таъмирлаш ҳамда уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. «Қашқадарё соҳили» санаторийсида янги даволаш мажмуаси барпо этилди. «Чинобод» сийҳатгоҳида эса 16 ўринга мўлжалланган коттеж қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда Мустақилликка эришганимиздан кейинги 10 йил давомида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тасарруфидаги сийҳатгоҳларда амалга оширилган ибратли ишларга ҳам тўхталиб ўтмоқ жоиз. Ушбу шифо масканларида дам олиш ва даволаш ишини жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқиш борасида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди. Бунда санаторийларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ётоқ, маданият-маиший хизмат биналарини таъмирлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилди. Хусусан, Курортлар бошқармаси тасарруфидаги санаторийлар энг замонавий даволаш ва ташхис қўйиш ускуналари билан таъминланди. «Чинобод»да даво-

ланувчи меҳнаткашларга янада малакали ва тезкор тиббий хизмат таъминати олинди. «Турон» санаторийси эса 6,3 миллион сўмлик қийматга эга бўлган компьютерли электрокардиограф ташхис аппарати, «Қашқадарё соҳили» санаторийси 11,2 миллион сўмлик аёллар ва эркаклар жинсий касалликларини аниқлаш ва даволаш учун «Андрэагин» аппарати билан таъминланди.

Республика ҳукумати ва касабаси уюшмалари вилоятларда, айниқса оролбуйи ҳудудда замонавий шифо масканларини барпо этиш, уларни билимли ва тажрибали мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хоразмда қад ростлаётган «Хонқа» Она ва бола санаторийси ана шундай сийҳатгоҳлардан ҳисобланади. Айни дамда санаторийда сўнгги қурилиш-монтаж ва коммуникация ишлари бажарилимоқда.

Маълумки, «Оналар ва болалар» йилида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар «Соғлом авлод йили»даги хайрли ташаббусларнинг мантиқий давомидир. Чунки, «Соғлом авлод» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар доимий равишда бажариб борилиши лозим бўлган муҳим вазифалардандир. Бунга кўра «Умид гулшани» санаторийсида ўтган йил якунида генокология йўналишидаги 150 ўринли даволаш-таъхис бўлими фойдаланишга топширилди.

Доналар айтганидек, бахт саломатлик самарасидир. Шундай экан, ҳар бир одам тан сийҳатини асрамоғи лозим.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ватанимиз келажиги бўлиши болажонлар ва оналарнинг саломатлиги йўлидаги бундай хайрли ишларни изчил давом эттираведа.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.

Тоғ этакларига тугаш, нийоҳатда баҳаво жойда барпо этилган янги сийҳатгоҳ 4 қаватдан иборат бўлиб, ҳар томонлама қулайликларга эгадир. Даволаш-таъхис учун ажратилган барча хоналарда иссиқ ва совуқ сув, душ, ванна хоналари мавжуд. Шунингдек, беморлар ётоқхоналарининг эстетик жиҳатдан шинам ва кўркамликка алоҳида эътибор берилиб, пардозлаш ҳамда ганжкорлик ишлари дизайнерлар маслаҳати билан амалга оширилди. Бу мижозлар кайфиятини кўтариш билан бирга уларга руҳий қувват ҳамда завқ бағишлаб, муолажаларнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Янги шифо маскани қурилишида меҳнат

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Беширик туманининг доврўғига доврўқ қўшуви сийҳатгоҳлар сони яна биттага кўпайди. Мамлакатимизнинг машҳур «Ўзбекистон» ҳамда «Рапкон» сийҳатгоҳлари сафига 120 ўринли «Оналар ва болалар» деб номланувчи шифо масканининг қўшилгани Ватанимизда оналар ва болалар саломатлигига бўлган эътибор ва гамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Мазкур сийҳатгоҳ Республикаимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига бунёдкорларнинг муносиб тўғасидир.

қилган юзлаб бунёдкорларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида сийҳатгоҳнинг чиройига чирой қўшилди.

— Иш суръатини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилди, - дейди бош пудратчи ташкилот раҳбари В.Мухторов. — Бу ерда 2-агроқурилиш трестига қарашли 95-қурилиш жамланмаса билан бирга 363-, 399-, 90-, 97-қурилиш ташкилотлари ҳам ёрдамчи пудратчи сифатида иштирок этидилар. Уларнинг ҳар бири мазкур сийҳатгоҳнинг ўзларига тегишли қисмини тез ва сифатли қуриб битказиш учун астойдил меҳнат қилдилар.

Беширик туман ҳокимилиги ташаббуси билан қурувчиларга «Ўзбе-

кстон» ва «Адиروبод» ҳўжаликларни меҳнаткашлари ҳашарга келтирилди. Улар асосан сийҳатгоҳ атрофларини ободонлаштириш ишларида қатнашдилар.

Жаҳон андозаларига мос шарқона услубда барпо этилган мазкур «Оналар ва болалар» сийҳатгоҳида бир вақтнинг ўзида 120 нафар оналар ва болалар даволаниш имкониятига эга бўлдилар. Айниқса, буйрак, жигар ва ошқозон касалликларини даволашга мўлжалланган бўлимларда яратилган қулайлик ва шароитлар беморларнинг ўз вақтида шифо топишларини таъминлашга шубҳа йўқ.

А. ТЎХТАСИНОВА.

БАРЧАГА МАНЗУР СИҲАТГОҲ

150 ўринга кенгайтирилмоқда

Хонқа туманидаги Машариф Абдуллаев номли сийҳатгоҳ «Хоразм» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги энг баҳаво, гўзал гўшалардан бири — Шовот каналининг бўйида жойлашган. Хонқа пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчиларини соғломлаштириш мақсадида ишга туширилган сийҳатгоҳ 10 гектарлик боққа эга. Дастлаб профилакторий сифатида ташкил қилинган бу маскан кейинчалик санаторийга айлантирилди. Бунда заводнинг марҳум раҳбари Машариф Абдуллаевнинг хизматлари катта бўлгани инобатга олиниб, сийҳатгоҳга унинг номи берилди.

Айни пайтда бу ерда ҳар ойда 100 нафар меҳнаткаш саломатлигини тиклаш имкониятига эга бўлиб, 30 нафар тиббиёт ходими улар хизматида. Сийҳатгоҳда парафин, балчиқ, уқалаш, тиббий физкультура билан даволаш билан бирга 800 метрлик чуқурликдан олинмаган маъданли бром ва йодга тўйинган сув мавжуд бўлиб, у шифобахшлиги жиҳатидан дунёдаги машҳур Кисловодск, Трускавец, Есентукиннинг сувларидан қолшмайди. 56-60 даража иссиқликдаги бу сув айниқса ревматизм ва асаб, жигар, ўт йўллари, буқоқ, гинекологик, экзема, буйрак, тош касалликларини даволашда қўл келмоқда.

Вилоятда экологик вазиятнинг мураккаблашуви, оналар ва болалар саломатлиги ҳақида янада кўпроқ гамхўрлик қилишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Республика ҳукумати ва касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ушбу сийҳатгоҳни яна 150 ўринга кенгайтиришга қарор қилди. Айни пайтда қурилиши жадал олиб борилаётган ушбу «Оналар ва болалар» шифо масканида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги оналар ва болалар даволанадилар. Аҳамиятли томони шундаки, янги сийҳатгоҳда беморларга замонавий ташхис жиҳозлари ёрдамида юқори савиядаги тиббий хизмат кўрсатилади.

ИХТИСОСЛАШГАН ДАВОЛАШ МАСКАНЛАРИ

Ургач шаҳридаги эндокринология диспансери яқинда яна иккита ихтисослашган даволаш бўлими билан бойиди.

Улардан бири жарроҳлик бўлими бўлиб, бу ерда қандли диабет, буқоқ каби касалликлардан азият чекаётган беморлар шифо топадилар. Иккинчи янги бўлим эса «Она ва бола» номи билан юритилмоқда. Бунинг боиси шуки, бўлимда она ва бола биргаликда соғломлаштирилади. Чунки бир вақтнинг ўзида ҳам онага, ҳам болага малакали тиббий хизмат кўрсатилганда, даволаш янада самарали бўлади.

Республикамиз эндокринология диспансерлари орасида ҳали янги бўлган мазкур шифо масканидаги бўлимлар иш бошлаганига унча кўп вақт бўлмаса-да, уларнинг хизматидан барча мамнун.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Айни пайтда бу ерда махсус танлов асосида саралаб олинган 14 нафар тарбиячи ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланган 7 ёшга тўлмаган 60 нафар бола истиқомат қилмоқда. Ушбу маҳалла пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Ҳозирча мамлакатимизда ягона бўлмиш бу маскан 14 оилавий коттеждан иборат. Улар энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Маҳаллада болаларнинг соғлом униб ўсиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит мавжуд: болалар боғчаси, меҳмонхона, устакхона, спорт майдончалари, энг замонавий алоқа тизими улар хизматида. Болаларнинг янги шароитга кўнгишсини осонлаштириш учун маҳалладаги ҳар бир рамзий оилага икки-уч нафардан бола жойлаштирилган.

касаба уюшмалари этиборидан четда қолмадилар. Улар тарбиялаётган оналари билан Тошкент вилоятининг энг сўлим ва баҳаво гўшасида жойлашган вилоят маданият ходимлари касабаси уюшма кўмитасига қарашли «Сумча» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқардилар. Табиати жуда гўзал ва ҳушманзара бўлган мазкур оромгоҳда ўтган завқли дамлар, касабаси уюшмалари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий тадбирлар болажонларга гоят манзур бўлди.

— «Сумча»да уч наватда тармоқ ходимларининг фарзандлари, вилоятдаги спорт мактабларининг, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳордиқ чиқарган бўлсалар, тўртинчи наватда «SOS-Болалар маҳалласи» ўғил-қизларининг дам олиши ташкил этилди, - дейди Тошкент вилояти касабаси уюшмалари Кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова. — Оромгоҳда улар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Иккита сув ҳавзаси, спорт майдончала-



БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА!

Тошкентда «SOS-Болалар маҳалласи»нинг очилиши республикамиз ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлди

ри болажонлар хизматида бўлди.

Кунчи-кеча вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши ҳамда маданият ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кўмитаси раҳбарлари, «Меҳржон» васийлик кенгаши вакиллари ва «Бадийи ҳаваскор»

маданият маркази санъаткорлари болажонлар ҳузурини бўлиб, ажойиб концерт дастурларини намойиш этдилар.

— Тўрт нафар фарзанд билан мириқиб ҳордиқ чиқардим, - дейди Ирода Ақромова. — Оромгоҳ бизга жуда ёқди. Ай-

ниқса, бу ердаги инсонларнинг бағрикенглиги, болаларга гамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Санъаткорларнинг эртақлар оламига уюштирган саҳна саёҳатлари болаларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Бундай тадбирлар фар-

зандларимизнинг дунёқарашларини шакллантириш билан бирга ақлий камолотларини ҳам таъминлайди.

Дарҳақиқат, машойихлар айтганидек, мукамал тарбия олган инсон — энг гўзал инсондир. Бу йўлда амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишлар ҳозирдаёқ ўз самарасини бера бошлади.

М.ДАВРОНОВА, И.ХУРАТОВ, олган суратлар.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

миллий фаровонликка эришишнинг ўта муҳим омили

«ШАХСИЙ ЖАМФАРМАМДАН БОҒЧА ҚУРАМАН»

- дейди боғотлик тадбиркор Худойназар Султонов

Саратон иссигининг тафти киздирган-дан-киздирар, тупрок йўлдан зўрга суд-ралиб кетаётган арава гичирлаб асабга тегарди. Жазирамадан кўнгли лоҳаслана-ётган бўлса-да, Худойназар отасининг гапларини жон деб тинглар, айтилатган фикрлар мағзини чақиб борарди: — Оғир кўнларга қолдик, меҳнат қилсанг-у, роҳатини бошқалар кўрса, пахта етиштирамиз, сарҳисобда унинг ҳам ўз эгалари чиқиб қолади. Баъзан ўз уйингда ўзинг бегонадек бўлиб қолсан. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да, болам, — дерди у.

Оталар дуоси ҳамisha ижобат бўлмай. Утган 10 йил кўлаб кишилар қаторида боғотлик Худойназар Султоновлар хонадонига ҳам кут-барак, файз олиб кирди. Олди деҳқон ўғли Худойназарнинг амалга оширган ишларини кўрган киши, мустақиллик ҳар бир кишига улкан имкониятлар яратиб бераётганлигининг гувоҳи бўлади.

Ота касбини пухта ўзлаштирган Худойназар дастлаб хўжаликдан ўн гектар ерни ижарага олиб, оила аъзолари ҳамкорлигида меҳнат қилди. Аммо сидқидан қилинган меҳнат силсиласида бир ҳақиқат бор: яъни изланиб, ишлаб топилган маблағнинг сарф-харажатини ҳамма ҳам ўз режасига кўра расмад қилолмаслиги, уни ҳуда-беҳуда сарфлаши ҳам мумкин.

— Кишлоғимизни қадимдан ҳунарманд ва кулочилар маскани дейишади. Кейинги пайтда ана шу бобо-меърос касб-кор йўқолиб, ёшларимиз уни унуттаёзганди. Жорий йил даромадимиз чакки эмас, шу боис, кулоччилик ва тикиш-би-

чиш цехини очиш ниятим бор, — деди «Султон бобо» фермер хўжалиги раҳбари Х.Султонов, бир кунги тушилик қилиб ўтирган ишчиларига. Кенгашига кенг дунё, дейишади.


Жамоа аъзоларининг саъй-ҳаракати билан дастлаб 50 нафар хотин-қизга мўлжалланган тикан-киши бичиш цехининг лойиҳа-сметаси тузилиб, курилиш ишларига киришилди. Ишбилармоннинг бу ташаббуси албатта туман раҳбарларини ҳам бефарқ қолдирмади. Улар имкон даражасида қўллаб-қувватлаб турди. Айни пайтда замонавий цехда шу қишлоқлик 50 нафар хотин-қизи иш билан таъминланди. Улар ишлаб чиқараётган 20 хил бежирим маҳсулотлар эса сифатлиги ва бозорбоплиги билан ахтарилиб туради.

Баъзан ўйлаб қолсан киши, ахир, яқингача тадбиркор, хусусий фермер, кичик ва ўрта бизнес деган атамалар турмушимизда, истемоли-мизда борми-ди? Очиги-айтганда, 50 нафар киши ишлайдиган хусусий корхона қуришни қўйиш, тўрт хонали қийилги уйни тиклашга ҳам юрак дов бермасди.

Деҳқон ернинг хўжайини бўлиши керак. Шундагина бундан унинг ўзи ҳам, ўзгалар ҳам манфаат кўради.

Раҳмат ота Омонов меҳнатининг роҳатини кўраётган уста деҳқонларидан. У Баҳористон туманининг Помуд қишлоғида яшайди. Бу йил ёз бўйи томорқада қилинган меҳнат самарасиз кетмади. Олинган даромад ҳисобидан Раҳмат ота «Тико» автомашинаси сотиб олди. Кўриб турганингиз нуроний ўз меҳнатидан, ҳаётдан мамнун.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.



ТАНТИ БОБОДЕҲҚОНИМ

Деновадаги «Бободехқон» очик турдаги хиссадорлик жамияти деҳқон бозори қўлуг байрам бўсағасида кам таъминланган беш оиланинг беш нафар ўғлига ўз ҳисобидан суннат тўйи берди.

Тўй шунчаки номига бўлмади. Тантаналар, зиёфат, саховат, меҳрибонлик эсда қоладиган бўлди. Туман ҳокими ўринбосари Тоште-

мир Турдиев, ўғлонлар шарафига берилётган суннат тўйини табрик сўзи билан очди. Тўйболаларнинг ҳар бирига пул қўйилган омонат дафтarchаларини тантанали равишда топширди. Саховат бу билан чегараланиб қолмади. Ҳоким ўринбосари ҳар бир болага бошдан оёқ сарпо ҳам совға қилди. Шунда болаларнинг қувонганлик-

ларини кўрсангиз эди.

Хатна тўйда қатнашган фаришлардан Озод бобо Муродов, Хуррам Поёнов, бозор раиси Зиёдулло Алимардоновлар тўй болаларни унитилмас кун билан муборакбод этишди. Ватанимиз мустақиллигининг муборак ўн йиллиги тантаналари бўсағасида туман бозори маъмурияти тарафидан сийлов ва муруват кўрган беш нафар болақайнинг умр саҳифаларидан бу кун асло ўчмайди.

«Туркистон-пресс»

ЯПОНИЯ КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Қизилтепа миллий банк бўлими ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Биргина шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантиришга 220 миллион 209 минг сўмлик банк ёрдами ажратилди. 40 га яқин ўрта ва кичик бизнес соҳиблари бюджетдан ташқари фонд ҳисобидан ажратилган кредитга эга бўлдилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда банк қўмағи билан чорвачилик, паррандачилик, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, дала-деҳқончилик йомушларини техника билан таъминлаш, қурилиш, таъмирлаш ишлари тубдан яхшиланди.

Айни шу кунларда банк тумандаги «Нур» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси билан Япониянинг NORITSN KOKI компанияси ҳамкорлигидаги фотомасулотлар ҳамда реклама шаблон тайёрлаш Қизилтепада йўлга қўйилишига 45 миллион сўм ажратмоқчи.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

«ШУҲРАТ»НИНГ 20 ХИЛ МАҲСУЛОТИ

Мустақиллик тўғайли халқимиз нурафшон кўнларга эришди. Иқтисодий тартиқнинг ҳар бир жаҳасида унинг неъматлари бисёр. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида омиқкорларга кенг йўл очиб берилиши айни муддао бўлди.

Тараққиёт ривожига ўзига хос улус қўшаётган сирдарёлик Иброҳим Эгамбердиев ҳам истиқлолнинг илк кўнларидан тадбиркорлик ишларини бошлаб юборди. Дастлаб мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бизнесрежа тузилди. Туман МТПси ёнидаги ташландиқ ҳолга келиб қолган цех жиҳозланиб, зарур дастгоҳлар ўрнатилди. Хомашё муаммосини ечиш мақсадида аҳолидан шиша чиқиндилари сотиб олинди...

Ҳамма нарса тайёр бўлгач, ишлар юришиб кетди. Эндиликда «Шуҳрат» ишлаб чиқариш кичик корхонаси тайёрлаётган 20 хил рўзгор буюмлари сифатлиги ва харидорчилиги билан нафақат республикамизда, балки Греция, Россия, Қирғизистон ва

Козогистонда ҳам эътибор топапти.

Маблағ етарли бўлгач, савобли ишлар қилиш иштиёқи ўз-ўзидан кучайиб экан. Айни пайтда 5 та кам таъминланган ва 3 та боқувчисини йўқотган оила ана шу ишлаб чиқариш корхонасининг моддий қўмағидан баҳраманд. Битта мактабнинг таъмирлангани, иккита болалар боғчасининг моддий қўллаб-қувватлангани ҳам улар саъй-ҳаракатлари маҳсулидир. Бундан ташқари, корхона томонидан қурилган чойхонадан нуронийлар мамнун.

Ўн йил муқаддам уч нафар киши билан иш бошлаган тадбиркор эндиликда ўттиз нафар ёшни бирлаштириб, уларни ҳунарли қилди. Илгари бу ҳақда гапирилса одамлар ҳайратланиши шубҳасиз эди. Бу — истиқлолнинг, хурликнинг меваси. Ҳозирда жамоа аъзоларининг

ўртача маоши 25-32 минг сўмни ташкил этапти, бундан ташқари ишчилар озиқ-овқат маҳсулотлари, сут, қатик ва сариеғ билан ҳам таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда «Шуҳрат» кичик корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларга буюртма кўп. Бу эса ўз-ўзидан цехни кенгайтириш ва ишчилар сонини кўпайтиришни тақозо этади.

— Давлатдан ссуда олмадан иш бошлагандим. Аммо аҳоли талабидан келиб чиқиб, цехни кенгайтириш мақсадида банкдан икки миллион сўм сўраб муружат этганимга ҳам уч ойдан ошмаяпти. Лекин натижа йўқ, — дея фикрини изоҳлайди тадбиркор Иброҳим Эгамбердиев.

Ўйлаб қолсан киши: ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар кенг қўллаб-қувватланаётган бир пайтда ишбилармонларнинг йўлига гов бўлаётган айрим кимсаларнинг бундай иш тутишини қандай тушуниш керак?

Раъно МАҲҚАМОВА, «Ишонч» мухбири.

КўПНИНГ ДУОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида иш юритилиб, Жиззах вилоятида шу кунгача 2487 та деҳқон ва фермер хўжалиги ташкил этилди.

— Бизнинг фермер хўжалигимиз 1996 йилдан буён фаолият кўрсатапти. Жамоамизнинг 22 нафар аъзоси бор. 70 гектар ерда деҳқончилик билан шуғулланамиз. Шу билан бирга тадбиркорликнинг бошқа соҳаларини ҳам йўлга қўймоқдамиз. Шунинг натижасида Мустақилликнинг 10 йиллик байрами арафасида яна ўнга яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Маълумки, қаерда ишловчи ижтимоий ҳимоясига эътибор яхши бўлса, ўша ерда ўсиш бўлади. Чунки, инсон моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватланса, астойдил меҳнат қилади. Яна ҳам кўпроқ даромадли бўлишга интилади. Бу гапни отам менга доим таъкидлайдилар.

Еши улуглар билмасдан гапирмайди, буни амалда синаяпман. Мана, беш йилдики, мўлжалдаги ҳосилни олиб, баракали даромад кўраямиз. Бу йил ҳам давлатга 50 тонна ўрница 64 тонна сара бугдой топширдик. Фермер хўжалигимиз аъзоларига 1,5 тоннадан текин дон, чорвасига 4 тележақадан сомон тарқатдик. Галла ва озуқа уларнинг уйларига техникамиз ёрдамида бепул элтиб берилди.

Ота-боболаримиз кўпнинг дуоси кўл, дейишади. Кам таъминланган 15 та оилага 3 тонна бугдой улашдик. «Меҳрибонлик уйи», кўмакка муҳтожларга 980 минг сўмлик маблағ ўтказдик. Оталигимиздаги мактабнинг газ қозонини янгилаб бердик. Рўзгордан қийналганларга 50 минг сўмлик ёрдам кўрсатдик.

Истиқлол бизнинг мулк эгаси бўлишга, бойиб эл-юртга нафимиз тегишига кенг йўл очди. Ишга, мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигининг ҳар бир аъзоси иқтисодий манфаатдорликни кўзлаб, хўжалик мулкни асраб-авайлаб иш юртияпти. Ҳозир бизда ўртача ойлик 25 минг сўмга тўғри келмоқда. Ҳар кунги бепул иссиқ овқат тайёрланади. Омборда гўшдан тортиб, картошқача — ҳамма нарса бор. Бир гектар ерда эҳтиёжимиз учун сабзавот етиштирамиз.

1 сентябр кунги фермер хўжалигимизнинг «Савдо мажмуи»ни ишга туширамиз. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари, автомобил эҳтиёт қисмлари сотилади. Кейинроқ бу ерда маиший хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўямиз.

Камолжон КАҲҚОРОВ, Жиззах туманидаги «Истикбол» фермер хўжалиги раҳбари.



Хусусий сектор ёки ҳукумат тузулмаларида ишловчи 4 минг нафардан зиёд аёл «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасига қиради. — деди Ўзбекистоннинг барча вилоятлардан йиғилган ишбилармон аёллар қурултоида уюшма раиси Дилдора Алимбекова.

ТАДБИРКОР АЁЛ ҚУДРАТИ

— Мустақиллик йилларида ишбилармон аёллар ҳаракатининг пайдо бўлгани ва шаклланигани катта ютуқлардан бўлди, деб қайд этди Д.Алимбекова. Эндиликда ҳар бир вилоятда, ҳатто ҳар бир туманда тадбиркор аёл уюшмаси бўли-

ми мавжуд бўлиб, мазкур ташкилотлар жойлардаги аёлларга кўмаклашмоқда. Уюшма раҳбарлари тижоратда фаол қатнашаётган аёлларга қулай шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоялаш, тадбиркор аёл-

лар манфаатларини кўзлаб улар фаолиятига кўмаклашишни ўзларининг асосий вазифаси деб ҳисоблашмоқда. Уюшма кўпгина

халқаро ташкилотлар, ҳукумат ташкилотлари ва жойлардаги бошқарув идоралари билан фаол алоқа қилиб улар ёрдамида кичик ва ўрта бизнес ривожига йўналтирилган турли хилдаги семинар, анжуман ва тренинглари ўтказмоқда.

ЭНДИ ҲАҚИҚИЙ МУЛҚДОРМАН


Хусусий фирмамиз сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Жарқўрган туманида ягона ҳисобланади. Фаолиятимизни 1998 йилда бошлаганимиз. Тумандаги чорвачиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларидаги сут-товар фермалари ва фермер хўжалиқларидан шартнома асосида сут маҳсулотларини қабул қилиб, улардан кефир, болалар учун биолог, қаймоқ, музқаймоқ ишлаб чиқармоқдамиз.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Аввало, туман марказидаги қаровсиз ётган бинони қайта таъмирдан чиқардик. Керакли асбоб-ускуналарни ўрнатдик. Ўн беш кишини иш билан таъминладик. Биринчи йилиёқ, харажатларимиз ўзини оқлади. Ҳозир корхонамиз бир маромда, фақат фойда

ҳисобига ишляпти. Шубҳасиз, бундан биринчи навбатда, ишчиларимизнинг ўзлари манфаатдор. Бу уларнинг ойлик иш ҳақига ҳам ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўртача маош 15 минг сўмни ташкил этамоқда. Бунга қўшимча равишда ҳар ой 30 фоиз миқдорда мукофот пули бериб бораемиз. Икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ҳам ўз зиммамизда.

Ниятларимиз катта. Қадоқланган музқаймоқ ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Банкдан кредит олдик. Бу борадаги ишларимиз жадал кетаяпти. Эрта-индин яна йигирма нафар киши иш билан таъминланади.

Исмоил ШУКУРОВ, Жарқўрган туманидаги «Феруза» хусусий фирмаси раҳбари.



ЭРК ТУФИЛГАН КУН

Энди ўнга кирган болакай,
Мурғак қалби дарёдай жұшар.
Шу он ойга учмоқликка шай,
Куёшга ҳам аста йўл тўшар.

Бешик билан олам тебранур,
Ардоклаган некбин ўзбекни,
Қисматидан Юртбоши мағрур,
Эълон қилди Мустақилликни.

Истиқлолнинг оппоқ тонгида,
Титраб кетди олам меҳвари,
Ва гўдакнинг киндик қонидан,
Униб чиқмиш Эрк уруғлари.

Шул дам доя бир парча жонни,
Йўрғаклади оппоқ матога,
Нурга кўмди қуёш осмонни,
Шукроналар айтдик Оллоҳга.

Бўрон турди, қалқиди замин,
Яксон бўлди куллик қалъаси.
Олқишлар эл Темурнинг қавмин,
Янграр бахтли она алласи.

Йиллар ўтар, ўтар асрлар,
Айланади тинмай чархи-дун.
Келиб-кетар қанча насллар,
Фақат қолар Эрк туғилган кун.

ЭЛҚИН.

вилоятидаги нефт кони.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясида: 1, 4, 6, 20, 8. бу водийлар - жон Ўзбекистон, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
13, 4 13, 9 халқ қудрати жұш урган замон, Оламини 22, 3, 14, 4, 20, 21 айлаган диёр!
2. Давлат рамзи — 12, 3, 17, 2, 1, 16.
3. Ватанимизда жадидлик ҳаракати намояндаларидан бири, ижодкор — 12, 19, 14, 12, 13, 7, 20, 17.
4. Ўзбекистон Республикаси ордени — 7, 5, 10, 6, 4, 20, 18.
5. Урта асрга мансуб мумтоз донишманд шоир Ҳиббат ул-Ҳақойик

Раҳмат Ғаниев Бухоро вилоят қасаба уюшмалари Кенгашида тармоқ қасаба уюшмалари раиси сифатида анча йиллардан бундан ишлаб келади. Маълумоти олий. Мутахассислиги тарихчи. Бухоро шаҳар Ғалаба кўчаси 12-уйда истиқомат қилади.

Ташаббус

бўлган тангалар ҳам мавжуд. Айниқса, Темурийлар ҳамда Мангитлар ҳукмронлиги давридаги тангалар

«ҒАЛАБА» КЎЧАСИДАГИ УЙ МУЗЕЙИ

Мустақиллик байрами арафасида Раҳмат ака анча йиллардан бундан ишлаб келади. Маълумоти олий. Мутахассислиги тарихчи. Бухоро шаҳар Ғалаба кўчаси 12-уйда истиқомат қилади.

маданий мерослар билан танишди. Экспонатларнинг кўпчилиги Раҳмат аканинг қўли билан олинган. Мустақиллик йилларида номлари улугланган буюк алло-маларимизга эҳтиром сифатида нашр этилган китоблар ҳам анчагина.

киши диққатини ўзига тортади. Ота-боболаримиз маънавиятидан дарак берувчи бой экспонатларга разм солиб, ҳайратланасан киши. Уларнинг ҳар бирида шонли тарих яширингандай. Раҳмат аканинг набираси, 1997 йил Юртбошимиз томонидан таъсис этилган грант қолиби бўлиб, АҚШда ўқиш бахтига муяссар бўлган Хуршидҷон Ғаниев турғи-сидаги маълумотлар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди.

«Ҳеч шубҳа йўқки, - ушбу кўрғазма вилоят ахлининг маънавий салоҳиятини янада ошириш учун хизмат қилади. Бухоро — Шарқнинг гавҳари экан, бу азим шаҳарга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон, ҳар бир хорижий дўст бир оила мисолидаги ютуқлардан хабардор бўлса, бунинг нимаси ёмон?»

Тегишли комиссия Раҳмат аканинг тақлифини ўрганиб чиқди ҳамда унинг хона-донидан тўпланган бой

Шулнингдек, бу ерда турли даврларга оид

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган хонадон рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. Автомобилимиз русуми. 2. Маърифат ҳомийси, дарсликлар муаллифи бўлган ижодкор. 3. Вилоят. 4. Атоқли ўзбек кинорежиссёри. 5. «Юдузли тунлар» романи муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 6. Навоий вилоятидаги шаҳар. 7. Фарғона водийсида бунёд этилаётган тоғ довони. 8. Шарафига

мақбара бунёд этилиб номи улугланган буюк муҳаддис. 9. Ўзбекистон жанубидаги газ-нефт кони. 10. Марказий газеталардан бири. 11. Ватанимиз олий нишонларидан бири. 12. Шаҳрисабздаги Амир Темур томонидан бунёд этилган обида. 13. Нодир маъдан қазиб олиш борасида ҳамкорлик кўрсатаётган АҚШ компанияси. 14. Ер майдони энг катта вилоят. 15. Қадимий Массажет

қабиласининг афсонавий ватанпарвар қаҳрамони. 16. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 17. Ёшлар жамғармаси. 18. Тошкентнинг қадимий дарвозаси. 19. Маъмурий-худудий бўлинма. 20. Урта аср ўзбек мумтоз шоири. 21. Дарёлардан бири. 22. Ватанимиз Олий Мажлисининг аъзоси. 23. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 24. Ўзбек халқ достони. 25. Тараққиёт ва фаровонлик асоси. 26. Бухоро

Ҳақиқатлар армуғони) асари муаллифи — 15, 11, 8, 3, 18, 20, 17.
Энди жавоблар асосида шаклнинг ички қисмидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммоно-мани ҳал этинг. Улардан аён бўладиган тўрт мисра шевър таниқли ижодкор Анвар Обидҷон қаламига мансуб.
Фозилҷон ОРИПОВ тузди.

Бойсундаги миллий фольклор аъна-налари ЮНЕСКО томонидан инсоният-нинг оғзаки ва номоддий мероси дур-донаси, деб эълон қилинган эди. Айни пайтда бу ерда ма-даний меросни ас-раб-авайлаш, ўр-ганиш, тарғиб этиш ва сақлаш ишлари учун сармоя жалб қилиш борасида фаол савй-ҳаракат-лар бошлаб юбо-рилган.

ЮНЕСКО

Бойсунни кашф этмоқда

Самарқанд шаҳрида ўтаётган «Шарқ таро-налари» III халқаро му-сика фестивалида иштирок этиш учун келган ЮНЕСКО ваки-ли -Номоддий мерос бўлими бошлиғи Но-рико Айкава хоним Сурхондарё вилояти-нинг тоғли Бойсун ту-манига ташриф буюр-ди. Меҳмон Бойсу-нинг батақорр табиа-тини қизиқиб томоша қилди, меҳмондўст ва танти одамлари билан учрашувлар ўтказди. Халқ табобати билан шуғулланиб келаётган Н. Суяров хонадонидан меҳмон бўлди. Б.Соҳи-бованинг уйида эса каштачи аёллар билан гурунлашди. ЮНЕСКО вакили мамлакатимизда мил-лий маданиятни юк-салтириш ва қадимий бой меросимизни ас-раб авайлаш бораси-да амалга оширилаёт-ган ишларга юксак баҳо берди. (Ўза).

13-15 сентябр кунлари Бухорода «Буюк мерос ва замонавий тамаддун» мавзуида халқаро Ибн Сино ўқишлари ўтказилади.

— Анжуман икки йўналишда ташкил этилмоқда, - деди Ибн Сино номидаги халқаро жамғармаси бош-қаруви раисининг ўринбосари Зухра Ботирова «Туркистон-пресс» мухбирига. - Унда Ибн Сино та-лимотини ўрганиш билан бир қаторда гиёҳандлик ва ОИТС муаммоларига ҳам эътибор қаратилади.

БҮЮК ҲАКИМ МЕРОСИ

Маълумки, Ибн Сино илмий меросининг ҳали ўрганилмаган, лекин эътиборга молик жиҳатлари кўп. Зухра Ботированинг маълум қилишича, олим-ларимизнинг анжумандаги чиқишлари аллома тад-қиқотларининг айна шу қирраларига қаратилади. — Жамғармамиз ўз фаолиятида ёш авлодни маъ-навий-маърифий тарбиялашга ҳам катта эътибор беради, - деди Зухра Ботирова. - Анжуманга ре-спубликамизнинг тиббиёт институтлари талабалари ўртасида Ибн Сино меросини ўрганиш юзасидан олимпиадалар ўтказилди. Уларнинг қолиблари маз-кур анжуманга тақдиф этилган. Аллома меросининг ўзига хос томонларини оча билган талабаларни ЮСАИД, ЮНИСЕФ ва Сорос каби халқаро ташки-лотларнинг жамғарма билан ҳамкорликда тайёрлан-ган махсус совғалари кутмоқда. Анжуманда, шунингдек, Марказий Осиё давлат-ларининг гиёҳандлик ва ОИТС муаммолари бўй-ича миллий дастурининг тақдирот маросими ўтқа-зилади. Ибн Сино меросининг эътиборга молик то-монларини ўрганиш бўйича декларация қабул қили-нади. Бу муҳим тадбирга бағишлаб, мазкур мавзу-ларда тақдим этилган юздан ортиқ материалларни тўпلام тарзида чоп этилиши кўзда тутилмоқда. Анжуман сўнггида унинг қатнашчилари Ибн Сино туғилган Афсона кишлоғини зиёрат қиладилар.

БУНАҚАСИ КАМ БЎЛГАН

Мустақиллик ҳар бир ўзбекистонлик қал-бидан юрт ишига қамарбасталикни, қасби-га фидойиликни қарор топтиради. Кейинги йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилишининг авж олгани ҳам фикримиз исботидир. Ёшларнинг маъна-ви жисмонан барқамол бўлиб вояга етиш-лари учун ибратли тадбирлар амалга оши-риляпти.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таъ-лим тўғрисида»ги қону-ларнинг қабул қилиниши ва уни изчил ҳаётга тат-биқ этилаётганлиги халқ хўжалигига малакали мутахассис кадрлар тай-ёрлашда жуда қўл кела-япти. Биргина Тошкент ви-лоятида 12 йўналишда мутахассислар тайёр-лайдиган 67 та ўқув му-ассасаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда бу кўрсаткич яна бир неча баробарга ошиши кўзда тутилган. Бекобод туманидаги «Далварзин» ширкат хўжалиги худудида қури-лаётган маийший хизмат коллежи шулар жумла-сига қиради. 900 нафар ўқувчига

мўлжалланган бу коллеж қурилиши ўтган йили март ойида бошланган бўлиб, бунёдкорлик ишлари учун 1 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилган. Бош пудратчи — «Зафар» масъулияти чекланган жа-

бинноси олдида хиёбон, спорт майдончалари таш-кил этилмоқда. 200 ўрин-га мўлжалланган ётоқхо-на мавжуд. Керакли жи-ҳозлар олиб келинапти. «Зафар» жамияти на-фақат туманда, балки вилоятда ҳам ўзига хос мавқега эга. Кейинги йилларда улар Тошкент шаҳри ва қатор туман-ларда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш-ди. Жамоада ишчи-хиз-матчиларнинг яхши иш-лаб, кўнгилли ҳордиқ чи-қаришлари учун барча имкониятлар мавжуд. Маъмурият кам таъмин-ланган оилалар, «Нуро-ний» жамғармаси ва но-гиронлар жамиятига мунтазам ёрдам бериб келаёпти.

Ҳа, бунёдкор халқи-мизнинг яратувчанлик, ижодкорлик иштиёқи то-бора юксалиб бораёпти. Бундай хайрли ишларда «Зафар»нинг ҳам ўзига хос муносиб ҳиссаси борлиги қувонарлидир.

А.АЛЛАМУРДОВ,
Ш.АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Жойларда ўтказила-ётган тадбирлар, тур-ли учрашувларнинг ёшлар камолотидаги ўрни бекиёсдир. Кунги кеча Бектемир туман Марказлашган

ЭНЁ МАСКАНИДА УЧРАШУВ

кутубхоналар тизими-га қарашли 2-сонли кутубхонада «Ўзбекис-тон — она юртим» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Семинар-да мустақиллик даври адабиёти, унинг маъ-навиятимизга қўшаёт-ган улуши, китобхон-лар оммасининг қизи-қишлари ҳақида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Тадбир давоми-да иштирокчиларни қизиқтирган савол-ларга жавоб берилди. Бугунги кунда ушбу кутубхонада жами 19 минг 700 та китоб мавжуд. Ўқувчилар сонининг тобора ошиб бораётгани, ай-ниқса, қувонарли ҳол-дир. Бунда кутубхона бўлими мудираси З.Бобоевнинг муно-сиб ҳиссаси бор.

Б. ШЕРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмудҷон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибиёт 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўвухнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.